Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 125 (20. 992) 1991 йил 2 июль, сешанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЯНГИ ВА ҚАЙТА ИШЛАНГАН МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЖУМҲУРИЯТДАН ЧЕТГА ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Мавжуд мева-сабзавот маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш, колхозлар, совхозлар, бошқа қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ташкилотларининг зарур воситалар ҳамда ресурсларга бўлган биринчи навбатдаги эҳтиёжларини қондириш, етиштирилган ҳосилни сотишда шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгаларига ёрдам бериш ва жумҳуриятнинг истеъмол бозорини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгиланснки, узум, янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини жумҳуриятлараро битимлар ва бевосита алоқалар бўйича жумҳуриятдан Умумиттифоқ фондига етказиб бериш асосан жумҳурият корхоналари, хўжаликлари ва аҳолиси учун ғоят танқис бўлган озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари ва ишлаб чиқариш-техника маҳсулотларига алмаштириш шартларидаги шартномалар бўйича амалга оширилади.

Умумиттифоқ фонди ҳисобига махсус истеъмолчиларга етказиб бериладиган мева-сабзавот маҳсулотлари, шунингдек ялпи етилиш мавсумида тез сотишни талаб қиладиган эртаги карам ва полиз маҳсулотлари (тарвузлар)нинг бир қисми бундан мустаснодир.

2. «Узплодоовощвинпром» концерни, «Узкоопзаготторг» бирлашмаси, Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети бир ой муддат ичида маҳсулотларни олувчилар билан илгари тузилган, моллар ва моддий ресурсларни муқобил етказиб бериш кўзда тутилмаган шартномаларни қайта кўриб чиқсинлар, бунда четга чиқариладиган маҳсулотларга алмаштирилган зарур товарлар, биринчи навбатда, озиқ-овқат маҳсулотлари жумҳуриятга келтирилишини таъминлашни назарда тутсинлар.

3. 1-бандининг биринчи хатбошида кўзда тутилган узум ва янги маҳсулотларни четга чиқариш учун колхозларга, совхозларга, корхоналарга, тайёрлов ва бошқа ташкилотларга рухсатнома Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг («Ташгорагропром» хўжаликлари учун) махсус комиссиялари томонидан берилади. Рухсатнома «Узплодоовощвинпром» ва «Узкоопзаготторг»нинг вилоят бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилади.

Бунда маҳсулотларни четга чиқариш учун рухсатнома уларни жумҳуриятдан четга чиқариш учун рухсатнома фондига етказиб беришнинг тасдиқланган ҳажмлари, яъни етиштириш ҳажмларининг камида 60 фоизи албатта бажарилган тақдирда берилади.

Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетига Умумиттифоқ фондига маҳсулот етказиб бериш ва жумҳуриятлараро битимлар бўйича маҳсулот етказиб бериш қандай бажарилаётганини назорат қилиш юклатилсин, бунда ушбу ҳолатда маҳсулотларни сотиш шартномавий (эркин) нархлар бўйича амалга оширилиши назарда тутилсин.

Қуритилган сабзавотлар, кишмиш ва майиз, мева-сабзавот консервалари, жумладан, помидор шарбати ва винобоп маҳсулотларни (Умумиттифоқ фондига ва жумҳуриятлараро битимлар бўйича етказиб беришдан ташқари) четга чиқариш учун рухсатнома фақат Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги жумҳурият комиссияси томонидан ва айирбошлаш бўйича иқтисодий жиҳатдан фойдали шартномалар мавжуд бўлгандагина берилади.

4. 1991 йил 1 июлидан бошлаб кооперативлар, ижарачилар, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгалари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар жумҳуриятдан четга чиқарадиган узум, янги, қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларига бож жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, бож Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 5 апрелдаги 89-сон қарорига мувофиқ мева-сабзавот маҳсулотларига белгиланган ўртача энг юқори шартномавий нархларга нисбатан фоиз ҳисобида олинади.

Бож миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Аниқлаб қўйилсинки, мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган узум, янги, қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини четга чиқариш учун район ижроия комитетининг (Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятларнинг марказларида шаҳар ижроия комитетининг) комиссиялари томонидан берилган рухсатномалар ва бож тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат кооперативлар учун банк хизмат кўрсатувчи бўлимининг тўлов ҳужжати; ижарачилар, шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва бошқа фуқаролар учун жамғарма банкининг квитанцияси асос бўлиб ҳисобланади.

5. Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети бир ҳафта муддат ичида жумҳуриятдан четга чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажми тўғрисида натура ва қиймат тарзидаги статистик ҳисоботни ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

Белгиланснки, мева-сабзавот маҳсулотларини жумҳуриятдан четга чиқариш тўғрисидаги йиғма ҳисоботлар белгиланган шаклларда ва муддатларда статистика идораларига:

кооперативларга Ўзбекистон Деҳқончилик-саноат банки ва Ўзбекистон Саноат қурилиши банкининг уларга хизмат кўрсатувчи бўлимлари томонидан;

фуқароларга Ўзбекистон жамғармалар банкининг бўлимлари томонидан тақдим этилади.

6. Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги бир ҳафта муддат ичида мева-сабзавот маҳсулотларини жумҳуриятдан четга чиқариш бўйича божларни ҳисоблаб чиқсин ва тўлаш тартибини солиқ идораларига маълум қилсин ҳамда даромадлар бўйича ҳисоботларга тегишли ўзгаришлар киритсин, бунда божнинг Қорақалпоғистон МССР, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ўтказилишини назарда тутсин.

7. Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси, Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти вазирлиги мева-сабзавот маҳсулотларини жумҳуриятдан четга чиқариш учун колхозларга, совхозларга, тайёрлов ташкилотларига, кооперативларга, ижарачиларга, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгаларига ва бошқа фуқароларга транспорт воситалари беришда мазкур қарорнинг 3- ва 4-бандларига қатъий амал қилсинлар.

8. Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги мева-сабзавот маҳсулотларини транспортнинг барча турларида жумҳуриятдан четга чиқаришнинг ушбу қарор билан белгиланган тартибини таъминлаш устидан узluксиз назорат ўрнатсин.

Рухсатнома ва солиқни тўлаганлик ҳақидаги квитанция бўлмаган тақдирда мева-сабзавот маҳсулотларини четга чиқариш тақиқланади, улар эгасига қайтарилади ёки унинг розилиги билан шартномавий нархларда «Узкоопзаготторг»нинг тайёрлов ташкилотлари томонидан қабул қилиб олинади.

9. Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари, район ижроия комитетлари ва Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги идоралари мева-сабзавот маҳсулотларининг жумҳуриятда қаршиликсиз ташилишини ва Тошкент шаҳрига етказиб берилишини таъминласинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

КООПЕРАТИВЛАР, ИЖАРАЧИЛАР, ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ, БОШҚА ТАШКИЛОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН ЖУМҲУРИЯТДАН ЧЕТГА ЧИҚАРИЛАДИГАН УЗУМ, ЯНГИ, ҚУРИТИЛГАН ВА ҚАЙТА ИШЛАНГАН МЕВА-САБЗАВОТЛАРГА СОЛИНАДИГАН БОЖ СТАВКАЛАРИ

(1991 йил 1 июлдан жорий қилинади)

даврлар	божнинг ўртача энг юқори шартномавий нархга нисбатан фоиз ҳисобидаги ставкалари
I давр — январь-апрель	60
II давр — май-июнь	30
III давр — июль-сентябрь	20
IV давр—октябрь-декабрь	30

Эслатма: божнинг кўрсатилган ставкалари 5 тоннагача бўлган маҳсулотни бир галги четга чиқаришда белгиланади; маҳсулот миқдори 5,1 дан 10 тоннагача бўлганда бож ставкалари 1,5 баравар, 10 тоннадан кўп бўлганда 2 баравар ошади.

ҚАРОРГА ШАРҲ

Мева-сабзавот маҳсулотидан оқилона фойдаланиш ва жумҳуриятнинг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан узум, янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотини Ўзбекистон ССРдан четга олиб кетиш тартиби жорий этилди.

Картошка, мева ва резавор мева, сабзавот ва узум, янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари эндиликда 1990 йилда амал қилган тақиқ ўрнига асосан озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари ва ишлаб чиқариш-техника маҳсулотларига алмаштириш шартларидаги шартномалар бўйича жумҳуриятдан четга чиқарилади. Бу тадбир жумҳурият колхозлари, совхозлари ва аҳолиси учун моллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигини камайтириш лозим. Шу нарса диққатга сазоворки, етиштирилган маҳсулотнинг 40 фоиздан ортиқ бўлмаган ҳажми четга чиқарилишга йўл қўйилади, етказиб бериладиган маҳсулотга шартномавий (эркин) нархларда ҳақ тўланади, яъни жумҳуриятнинг ўзидаги истеъмол савдосини таъминлаш учун ресурслар ҳамда шароит яратилади.

Қорақалпоғистонда узум, янги мева-сабзавот маҳсулотини Умумиттифоқ фондига ҳамда жумҳуриятлараро битимларга биноан колхозлар, совхозлар, корхоналар, тайёрлов ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга етказиб бериш учун рухсатномани Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг комиссиялари ана шу маҳсулотни республика фондига етказиб бериш, яъни маҳсулот етиштириш ҳажмларининг камида 60 фоизи албатта бажарилган тақдирда берилади.

Узум, қуритилган сабзавотлар, кишмиш ва майиз, мева-сабзавот консервалари, винобоп маҳсулотларни (Умум-

(Давоми учинчи бетда).

Фориш районидаги «Чимқўрғон» давлат хўжалигининг Қўйчибой Темиров бошлиқ бригадасига қарашли Абдураҳмон Тўйчиев етакчилигидаги бедачилик звеноси аъзолари 80 гектарлик бедазордан режадаги 50 центнер ўрнига 80 центнердан озуқа олишга сўз беришган.

СУРАТДА: звено бошлиғи А. Тўйчиев, бригадир Қ. Темиров ва механизатор Б. Рисбеков.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯСИНИНГ ИШЧИ ГУРУҲИ ТЎҒРИСИДА

1991 йил 28 июнь куни Ўзбекистон ССР янги Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳнинг навбатдаги мажлиси бўлди.

Ишчи гуруҳи жумҳурият янги Конституцияси лойиҳасининг учта муқобил концепциясини кўриб чиқди. Уларни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва олимлар; фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг директори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори А. Х. Саидов, сиёсатшунослик ва бошқарув илмгоҳи сиёсатшунослик кафедрасининг мудири, профессор К. З. Алимов, Ўзбекистон ССР Президенти аппаратининг шўъба мудири, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Х. Т. Одилқориев тайёрлаганлар.

Мазкур концепцияларни муҳокама қилиш чоғида сўзга чиққан барча кишилар уларнинг муаллифлари Ўзбекистон ССР Мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияга мувофиқ жамият ва давлатни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилашда катта илмий-назарий ишлар қилганини таъкидладилар. Концепцияларда конституциявий бошқариш муаммолари кўп жиҳатдан ана шу Декларацияга жуда яқин ҳал этилганлиги эътироф қилинди. Шу билан бирга уларнинг ҳар бирида янги, қизиқарли, эътиборга молик ғоялар бўлиб, улар жумҳурият иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини, демократик, ҳуқуқий давлат тузишнинг қонуний асосларини таъминлашга қаратилган.

Ишчи гуруҳи бўлиб ўтган муҳокамани эътиборга олиб, ўн кун муддат ичида барча концепциялардан ягона концепцияни ишлаб чиқиш, муқобил концепциялардаги барча қимматли ғояларни унга асос қилиб олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу мақсадда олти кишидан иборат кичик гуруҳ тузилди.

● Жамоатчилик жаҳон бозорига чиқишни маъқулламоқда

КАФОЛАТЛИ ЙЎЛ

«Тошкент ишбилармонлар учрашуви»да ишбилармонлар юртимизнинг иқтисодий имкониятларига, унинг бой табиий ресурсларига қизиқиш билан қараб, фойдали ҳамкорлик қилиш таклифлари билан чиқдилар.

Мен буларни нега таъкидлаб айтяпман? Аввало, жумҳурият ҳукумати хорижлик ишбилармонларни Тошкентга чақириб, хайрли ишга қўл урди. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида халқаро бозорга чиқиш юзага келган мушкул иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг, халқимизни озиқ-овқат, истеъмол буюмлари билан мўл-кўл таъминлашнинг ва шу тариқа жумҳуриятда барқарор вазиятни вужудга келтиришнинг самарали усулларидан биридир.

Иккинчидан, хориж билан алоқа халқимизда унутилаёзган ишбилармонлик, тадбиркорлик хислатлари қайтадан жонланишига, бизда ҳам соғлом рақобатнинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Бундоқ эсласак, қадим-қадимдан отабололаримиз ишнинг кўзини биладиган уддабурон савдогар (баъзилар ўйлаган маънодаги эмас), тадбиркор кишилар бўлишган. Ўша замонларда ҳам тадбиркорлик — тараққиёт замини ҳисобланган. Энди ана шу иш усулларимизни қайтадан тиклашимиз зарур. Бунда Тошкентдаги ишбилармонлар учрашуви муҳим босқич бўлиб хизмат қилиши табиий.

Учинчидан, биз энди хом ашё ўлкаси бўлиб қолмай, тайёр маҳсулот билан халқаро майдонга чиқиш имкониятига эга бўламиз. Бу эса иқтисодиётимизни оёққа турғазишда кафолатли йўл ҳисобланади.

Тўғриси, серқуёш Ўзбекистонимизнинг имкониятлари, ишга солинмаган резервлари чексиз. Фақат улардан оқилона фойдаланиш, истиқболли йўллар қидириб самарали ҳамкорлик қилиш зарур.

Биргина мисол. Бизнинг фабрикамиз касаначилик йўли билан маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Миллий кийим-кечаклардан ташқари, ҳунармандчилик буюмлари тайёрлашни ҳам йўлга қўйганмиз. Ўйлаб қаралса, хорижлик сайёҳларга ушбу буюмларни эсдалик (сувенир) совғалар тарзида сотиш мумкин. Ёки ҳамкорликда уй шароитида меҳнат қилувчилар учун технология масаласини ҳал қилса бўлади. Ҳар қалай ривожланган чет эл мамлакатларининг бу борадаги тажрибалари анчагина. Масалан, Туркия худди шундай тажрибага эга.

Умуман олганда, Тошкентда ҳамкорлик сари дастлабки қадам ташланди. Энди имкониятни бой бермай, тезроқ ҳаракатни бошлашимиз зарур.

Иброҳимжон УМАРОВ,
Андижон уй меҳнати фабрикаси бош муҳандиси.

ТАДБИРКОРЛАР ЕНГ ШИМАРСИН

«Тошкент ишбилармонлар учрашуви» республикамиз иқтисодий ҳаётида кўп жиҳатдан бурилиш палласи бўлди. Шартномалар тузиш, қўшма корхоналар ташкил этиш борасида бошланган катта иш аниқ натижалар беришидан биз, қишлоқ меҳнаткашлари ҳам умидвормиз.

Ахир, ўз қобиғига ўралиб қолган хўжалик, район, ҳатто республика катта ютуқларга эриша олмаслиги аниқ. Масалан, ўзимизнинг хўжаликни олайлик. Биз қурилиш материалларини Россиядан келтирамиз. Красноярск ўлкасидаги ўрмонсозлик, ёғочсозлик хўжаликлари билан шартнома тузганмиз. Ўтган йилнинг ўзида аҳолига 500 тонна цемент келтириб сотдик. Ҳозир хўжалигимиз омборларида ёғоч, керакли миқдорда фанер, шифер, тунука, мих, кафель ва бошқа қурилиш материаллари бор. Бу йил эса шериклардан минг тонна цемент олишимиз керак.

Хўжалигимизда гилам цехи ишлаб турибди. Белоруссиялик гиламдўзлар билан шартнома тузиб, юқори сифатли хом ашё ола бошладик.

Кўриниб турибдики, ишлайман деганларга имконият ҳам, чора-тадбирлар ҳам кўп. Иқтисодий танглик пайтларида эса тадбиркорликни ошириш муҳимдир. Биз бундан буён ҳам ана шу йўлдан бораверамиз.

С. РАҲМОНҚУЛОВ,
Боёвут районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.

АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ— КОММУНИСТЛАРНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

29 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Марказий Комитетнинг жумҳурият аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни ташкил этиш масалалари комиссияси навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Совет Жумҳуриятининг Нукус шаҳрида ва Элликқалъа районида озиқ-овқат маҳсулотларини бир меъёрда тақсимлашнинг ҳолати тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Район ва шаҳар ижроия комитетларининг, савдо вазирлигининг ва республика матлубот уюшмасининг раҳбарлари истеъмол бозорида вужудга келган вазиятни ҳамон тушунмаётганликлари, ташаббускорлик ва мустақиллик кўрсатмай, эскичасига ишлаётганликлари қайд этилди.

Қорақалпоғистонда хўжасизликка, тайёрини кўзлашга қарши кураш юзасидан аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб борилмаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Савдода талон-торож, молларни яширib кўйиш давом этмоқда, айрим шаҳар ва районларда белгиланган меъёрлар бўйича озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш қониқарсиз ташкил этилганлиги бунга кўп жиҳатдан имкон бермоқда. Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон республика комитетининг бюросига аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашнинг аҳволини муҳокама қилиш ҳамда бу соҳадаги ишларни яхшилаш йўлида аниқ амалий чоралар кўриш тавсия этилди.

Комиссия Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазирлиги, жумҳурият «Узпищепром» концерни ва «Узоптбакалея» идораси саноат корхоналарининг ўта тақчил озиқ-овқат моллари ва хом ашёдан қандай фойдаланаётганини ҳам муҳокама қилди. Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, шу тармоқларнинг корхоналарида фонд интизомининг кўпдан-кўп бузилишига, ностандарт маҳсулот ишлаб чиқаришга ва камомадларга йўл қўйилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларини ўғирлаш ва талон-торож қилиш ҳолларини бутунлай тугатиш соҳасидаги иш ҳаддан ташқари қониқарсиз олиб борилмоқда. Бу эса мазкур вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўзларига қарашли корхоналарнинг фаолиятини суст назорат қилаётганликларининг, озиқ-овқат маҳсулотларидан эҳтиёт қилиб ва тежаб-тергаб фойдаланиш ишини бўшаштириб юборганликларининг, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш имкониятларини изламаётганликларининг оқибатидир. Уларга аниқланган камчиликларни бир ҳафта муддат ичида тугатиш, шунингдек ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмларини камайтирмай туриб, маҳсулот турларини кўриб чиқиш юзасидан таклифлар киритиш топширилди.

Комиссия Ўзбекистон ССР савдо вазири М. З. Усмоновнинг ва Ўзбекбирлашув раиси Г. Г. Волковнинг июль ойида жумҳурият аҳолиси белгиланган меъёрдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланади, деган ахборотларини маълумот учун қабул қилди.

ЧОРА КЎРИЛДИ

Республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил этиш масалалари билан шуғулланувчи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссиясининг мажлисларидан бирида Навоий ва Ғиждувон район ижроия комитетларининг аҳолини энг кам меъёрда белгиланган айрим моллар билан таъминлашга доир ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги масала муҳокама қилинганди. Бухоро вилоят ижроия комитети юқорида кўрсатилган район ва шаҳар ижроия комитетларининг коммунист раҳбарлари ўзларига топширилган ўта масъулиятли ишни бажаришда шахсий жавобгарликни ҳис қилмаганликлари таъкидланганди. Улар қишлоқ ва қўрғон Советлари, савдо ташкилотлари ва корхоналарининг раҳбарларидан аҳолини белгиланган меъёрга мувофиқ кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш юзасидан ҳукумат қарорларининг бажарилишини эътибордан четда қолдирганлар. Муҳокамада жойларда ҳанузгача жамғармалар ва ресурсларни тақсимлашнинг муқобил воситаси ишлаб чиқилмаганлиги, дўконларга молларни олиб келиш ва аҳолига сотишни ҳисобга олиш йўлга қўйилмаганлиги таъкидланганди. Ижроия комитетлари бу жиддий масалалар билан мунтазам шуғулланмаганлар, маҳаллий ва хўжалик идоралари куч-ғайратларини мувофиқлаштириши керак бўлган район штаблари ишламаган.

Комиссия Бухоро вилоят ижроия комитети, «Ўзбекбирлашув» ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг коммунист раҳбарларига бир ҳафта муддатда кўрсатилган камчиликларни тугатиш, айбдорларни қаттиқ жавобгарликка тортиш ва бу соҳаларни билимдон, ишни яхши ташкил эта оладиган кадрлар билан мустаҳкамлаш юзасидан тадбирлар кўришни топширганди. Кўрилган чора-тадбирлар юзасидан вилоят ижроия комитетининг раиси М. Раҳмонов қуйидагиларни хабар беради:

А. Нўъмоновнинг Ғиждувон район ижроия комитети раиси лавозимида бундан буён ишлаши мақсадга мувофиқ эмас, деб топилди. Навоий район ижроия комитетининг раиси А. Истамов ва Ғиждувон шаҳар ижроия комитетининг раиси И. Жалилов қаттиқ жавобгарликка тортилдилар.

Шунингдек, Ғиждувон шаҳар матлубот жамияти, Навоий райони матлубот жамияти ва Калинин матлубот жамияти раисларига ишончсизлик билдирилди. Ғиждувон район тайёрлов идораси директори эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди. Суиистеъмолларга ва хатоликларга йўл қўйган барча мансабдор кишилар матлубот жамиятлари бўйруғи билан эгалаб турган лавозимларидан озод қилиндилар.

Вилоят матлубот жамияти бошқарувига аппарат ходимларини, матлубот жамиятлари раҳбарларини навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш, ўз лавозимига нолойиқ кишиларни мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш топширилди.

• Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Қонуннинг вазифалари**

Ушбу Қонун фуқароларнинг динга ёки шунга мос эътиқодга ўз муносабатини белгилаш ва ифодалаш ҳамда ҳеч қандай қаршиликсиз динга эътиқод қилиш ва диний расм-русумларни бажариш ҳуқуқларини таъминлайди, ижтимоий адолат ва тенгликни, фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туради.

2-модда. **Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунлар**

Ўзбекистон ССЖнинг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунлари Ўзбекистон ССЖ Конституциясидан, Ўзбекистон ССЖнинг ушбу Қонунидан ва Ўзбекистон ССЖнинг бошқа қонун ҳужжатларидан, Қорақалпоғистон МССЖ ҳудудида эса, шунингдек, Қорақалпоғистон МССЖ Конституцияси ва қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. **Виждон эркинлиги ҳуқуқи**

Виждон эркинлиги — бу фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқидир. Бу қонуний ҳуқуқ Ўзбекистон ССЖ Конституцияси ва ушбу Қонун билан кафолатланади.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўзаро келишиб, фарзандларини ўзларининг эътиқодларига ва динга муносабатларига мувофиқ тарзда тарбиялашга ҳақлидирлар.

Фуқаро ўзининг динга, диний эътиқодга ёки ундан воз кечишга, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда динни ўрганишда қатнашиш ёки қатнашмасликда ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни бирор-бир даражада мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Динга эътиқод қилиш эркинлиги ёки ўзга эътиқодлар жамоат хавфсизлигини ва тартибни, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва ахлоқини, шунингдек, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган даражадагина чекланади.

4-модда. **Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилиги**

Ўзбекистон ССЖ фуқаролари динга муносабатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилиши мумкин эмас, фуқаронинг ўзи шуни истаган ҳол бундан мустаснодир. Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини бевосита ва билвосита чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита бирон-бир имтиёзлар белгилаш, хусусан душманлик ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки даҳрийлик эътиқоди муносабати билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақорат қилиш, шунингдек, муқаддас қадамжо ҳисобланган диний иншоотларни оёқ ости қилиш қонун билан жазоланади.

Ҳеч ким ўз диний эътиқодига кўра, қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаши мумкин эмас. ССЖИ ва Ўзбекистон ССЖ қонунларида кўзда тутилган ҳолларданна эътиқод туфайли бир вазифани бошқаси билан алмаштиришга йўл қўйилади.

5-модда. **Динларнинг ва диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилиши**

Ўзбекистон ССЖда динлар ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилгандир. Бир дин ёки диний эътиқод учун иккинчи бир дин ёки эътиқодга нисбатан бирон-бир даражада имтиёз ёки чеклаш белгилашга йўл қўйилмайди.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига давлатнинг қандайдир вазифаларини бажаришни юкламайди, диний ташкилотларнинг қонунларга зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийликни тарғиб қилишга оид фаолиятни маблағ билан таъминламайди.

Илмий тадқиқотлар олиб боришни, жумладан, давлат томонидан маблағ билан таъминланадиган илмий тадқиқотларни олиб боришни, уларнинг натижаларини тарғиб қилишни ёҳуд уларни умумий таълим дастурларига киритишни, улар бирон-бир дин ёки даҳрийлик қоидаларига мос келиши ёки мос келмаслик белгисига кўра чеклашга йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар ижтимоий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Диний ташкилотларнинг ходимлари барча фуқаролар билан баб-баравар сиёсий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Диний ташкилотлар сиёсий партиялар фаолиятида қатнашмайдилар ва сиёсий партияларга молиявий мадад кўрсатмайдилар.

Диний ташкилотлар амалдаги қонун талабларига ва ҳуқуқ-тартиботга риоя этишга мажбурдирлар. Диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб бориш, нифоқ, нафрат қўзғатиш, миллатлараро адоват уйғотиш ҳамда давлат манфаатларига ва Ўзбекистон ССЖ Конституциясига қарши қаратилган бошқа хаттиҳаракатлар қилиш, қонуний равишда ва демократик йўл билан тузилган ҳокимият ва бошқарув идораларига ҳамда давлат вакилларига нисбатан ғайриқонуний усуллар билан тазйиқ ўтказиш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди. Қонуний равишда ишлаб турган ҳокимият ва бошқарув идораларига ва мансабдор шахсларга демократияни баҳона қилиб тазйиқ ўтказишга ҳар қандай уриниш қонун билан тақиқланади.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар ўртасида, турли эътиқоддаги диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний мутаассиблик ва виждон эркинлигига ҳилоф экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли оқимлар ва мазҳаблар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Мазкур тартибларни бузганлар қонунга биноан жавобгарликка тортилади.

6-модда. **Мактабни диндан ва диний ташкилотлардан ажратиш**

Ўзбекистон ССЖда давлат таълим системаси диндан ва диний ташкилотлардан ажратилгандир. Ўзбекистон ССЖ фуқароларининг динга муносабатидан қатъи назар, улар таълимнинг барча турлари ва даражаларидан баҳраманд бўла оладилар. Давлат ўқув юртларида диний таълим берилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаролар ўзлари истаган тилда диний таълим олишлари мумкин.

Белгиланган тартибда рўйхатга олинган низомлари бўлган диний ташкилотлар ўз низомларига мувофиқ катта ёшдаги кишиларга ва болаларга диний таълим бериш учун ўқув юртлари ёки гуруҳлар ташкил этиш, шунингдек, таълимни бошқа шаклларда олиб бориш ҳуқуқига эгадирлар, бунинг учун ўзларига қарашли ёки ўзларига фойдаланиш учун бериб қўйилган бинолардан фойдаланишлари мумкин.

Болаларни фақат мактаб ёшига етганда мактабдаги машғулотлардан бўш вақтда ота-оналарининг ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг ёзма розилиги билан, балоғат ёшига етганларни эса ўз хоҳишларига кўра ташкилий равишда диний таълимотга ўргатишга йўл қўйилади.

Диний таълимотдан сабоқ берувчи шахслар махсус диний маълумотга эга бўлишлари ва ўз фаолиятларини диний бошқарманинг, марказнинг ижозати билан амалга оширишлари шарт. Хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ беришга йўл қўйилмайди.

Ушбу тартибларнинг бузилиши қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилишига олиб келади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР

7-модда. **Диний ташкилотлар**

Диний жамоалар, бошқармалар ва марказлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар Ўзбекистон ССЖдаги диний ташкилотлардир. Диний ташкилотлар ўз бошқарма ва марказлари орқали иш кўрадилар.

Ўзбекистон ССЖда диний ташкилотлар, жамоалар фуқароларнинг эътиқод қилиш ва маслакни тарғиб этишдан иборат диний эҳтиёжларини қондириш мақсадида тузилади ва ўз таркибига мувофиқ иш юритади, ўз Низомига кўра ўз ходимларини сайлайди, тайинлайди ва алмаштиради.

Ўзбекистон ССЖда диний руҳдаги бирон-бир партия, жумҳуриятдан ташқарида ташкил этиладиган диний партияларнинг шўъбалари, бўлимлари, бўлинмалари тузилишига ва иш юритишига, шунингдек, миссионерлик фаолиятига йўл қўйилмайди.

8-модда. **Диний жамоа**

Диний жамоа биргаликда динга эътиқод қилиш ва бошқа диний эҳтиёжларни қондириш мақсадида фуқаролар томонидан тузилади ҳамда ихтиёрийлик асосида иш юритади.

Жамоани тузган фуқаролар жамоа тузилганлиги тўғрисида диний марказни ва диний ташкилотларнинг Низомини рўйхатга оладиган давлат идораларини воқиф қилиб қўядилар.

9-модда. **Диний бошқармалар, марказлар ва бирлашмалар**

Диний бошқармалар ва марказлар амалдаги қонунларга зид бўлмаган ҳамда Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинадиган ўз низомлари асосида иш юритадилар. Давлатнинг диний бошқармалар, марказлар ва бирлашмалар билан муносабатлари қонун билан тартибга солинади. Қонун воситасида тартибга солинмаган муносабатлар диний бошқармалар, марказлар ва жамоалар билан давлат идоралари ўртасидаги келишувга мувофиқ ҳал этилади.

10-модда. **Диний ўқув юртлари**

Диний бошқармалар ва марказлар ўзларининг рўйхатга олинган низомларига мувофиқ руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ихтисослар бўйича бошқа ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари очиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ўқув юртлари Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Кундузги олий ва ўрта диний ўқув юртларида таҳсил кўраётган фуқаролар ҳарбий хизматни ўташни кечиктириш, солиқ тўлаш, таълим олиш даврини меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш юзасидан давлат ўқув юртларининг талабалари учун белгилаб қўйилган ҳуқуқлар ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

11-модда. **Диний ташкилотларнинг низомлари**

Диний ташкилотнинг Низоми фуқаролик қонунларига мувофиқ равишда унинг ҳуқуқ лаёқатини белгилаб беради ва у қонунларда белгилаб қўйилган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак. Низомда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

— диний ташкилот номи, тури, қаерда жойлашганлиги, фаолият кўрсатаётган ҳудуд, унинг қайси эътиқодга мансублиги;

— ушбу диний ташкилотни тузиш тартиби, тузилиши ва бошқаруви тўғрисида;

— ташкилотнинг мулкий аҳволи, маблағларини ҳосил қиладиган манбалар, ҳам ўз ичидаги, ҳам Низомида ўзаро алоқалар боғлаш назарда тутилган бошқа ташкилотлар билан мулкий муносабатлари тўғрисида;

— Низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисида;

— корхоналар ва оммавий ахборот воситалари таъсис этиш, ўқув юртлари очиш ҳуқуқлари тўғрисида;

— диний ташкилотни тугатиш тартиби тўғрисида.

Масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар, диний ўқув юртларининг низомлари диний бошқарма, марказ билан келишиб олиниши керак.

Ўзбекистон ССЖдаги диний ташкилотлар, Ўзбекистон ССЖ ҳудудидан ва ҳуқуқ доирасидан ташқаридаги диний ташкилотлар билан бўладиган ўзаро муносабатларда Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ иш кўрадилар.

12-модда. **Диний ташкилотлар — юридик шахслардир**

Диний ташкилотларнинг Низоми рўйхатга олиниши биланоқ улар юридик шахс деб тан олинади.

Диний ташкилотлар юридик шахс сифатида қонунларга ва ўз низомларига мувофиқ ҳолда ҳуқуқлардан фойдаланадилар ҳамда мажбуриятлар ўтайдилар.

13-модда. **Диний ташкилотларнинг низомларини рўйхатга олиш**

Диний ташкилот юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиши учун уни тузган, камида ўн кишидан иборат 18 ёшга тўлган фуқаролар Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлигининг шу диний ташкилот фаолият кўрсатиши назарда тутилган вилоятдаги ёки Тошкент шаҳридаги идорасига ёхуд Қорақалпоғистон МССЖ Адлия вазирлигига Низомни илова қилиб ариза топширадилар. Агар диний ташкилот муайян диний бирлашмага мансуб бўлса, бу ҳол Низомда кўрсатилади ҳамда тегишли диний бошқарма ёки марказ томонидан тасдиқланади.

Диний ташкилотларнинг низомлари ва бошқа ҳужжатлари ушбу Қонунга ва Ўзбекистон ССЖнинг бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги керак. Шунга мувофиқ, диний ташкилотларнинг низомларини рўйхатга олиш чоғида улардан бошқа ҳужжатлар ҳам талаб қилиб олиниши мумкин.

Ўзбекистон ССЖ ҳудудидан ташқарида жойлашган диний ташкилотлар жумҳуриятда рўйхатга олинмайди.

Адлия идоралари аризани бир ой ичида кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Диний марказ ва бошқарманинг тасдиғи бўлмаган тақдирда адлия идоралари қўшимча материаллар талаб қилишга ва мутахассисларнинг хулосасини олишга ҳақлидир. Бу ҳолда қарор уч ой муддат ичида қабул қилинади.

Ўзбекистон ССЖ доирасида жойлашган ва ишлаб турган диний ўқув юртларининг низомлари Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Диний ташкилотнинг Низомига кейинчалик киритилган қўшимча ва ўзгаришлар низомлар ўзлари рўйхатга олинган тартибда қайта рўйхатга олинади.

Диний ташкилотларнинг Низоми рўйхатга олинганлиги учун Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда ва миқдорда рўйхат ҳақи ундирилади.

Диний ташкилот фаолияти унинг низомларига мувофиқлигини назорат қилиш бу низомларни рўйхатга олган ташкилот томонидан амалга оширилади.

14-модда. **Диний ташкилот низомини рўйхатга олишни рад этиш**

Диний ташкилот Низомининг қоидалари ушбу Қонун талабларига ёки Ўзбекистон ССЖнинг бошқа қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлса, уни рўйхатга олиш рад этилади.

Диний ташкилот низомини рўйхатга олишни рад этиш тўғрисидаги қарор аризачиларга рад этиш асослари кўрсатилиб, ёзма равишда юборилади. Бу қарор устидан ёки ушбу Қонунда белгилаб қўйилган қарорни қабул қилиш муддати ўтказиб юборилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин, бунда давлат бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқларини камситувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш учун белгилаб қўйилган тартибга амал қилинади.

15-модда. **Диний ташкилотларнинг фаолиятини тўхтатиш**

Диний ташкилотларнинг фаолияти фақат ўз низомларига мувофиқ ёки улар ушбу Қонуннинг, шунингдек, Ўзбекистон ССЖ бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларини бузган тақдирда тўхтатилиши мумкин.

Диний ташкилот фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор унинг Низомини рўйхатга олган идора томонидан қабул қилинади. Ушбу қарор устидан Ўзбекистон ССЖнинг фуқаролик процессуал қонунларига биноан судга шикоят қилиниши мумкин.

III БОБ. ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУЛКИЙ ҲОЛАТИ

16-модда. **Диний ташкилотларнинг мулки**

Диний ташкилотларнинг фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иморатлар, дин анжомлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия иншоотлари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар уларнинг мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар ўз маблағлари, фуқаролар, жамоат ташкилотлари эҳсон қилган, фуқаролар васият қилиб қолдирган маблағлар ҳисобига сотиб олинган ёки барпо этилган ёхуд давлат томонидан топширилган, шунингдек, қонунда кўзда тутилган бошқа асосларга кўра сотиб олинган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқига эгадирлар.

Диний ташкилотларнинг чет элларда ҳам мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар баҳоли қудрат моддий ва ўзга хайр-эҳсон қилинишини сўраб, ўз хайрихоҳларига мурожаат қилишга ва уларни олишга ҳақлидирлар.

Диний ташкилотларнинг молиявий ва мулкий хайр-эҳсонларига солиқ солинмайди.

Диний ташкилотларнинг мулкий ҳуқуқларини қонун муҳофаза қилади.

17-модда. **Давлат, жамоат ташкилотлари ёхуд фуқаролар мулки бўлган мол-мулклардан фойдаланиш**

Диний ташкилотлар давлат, жамоат ташкилотлари ёки фуқаролар томонидан шартнома асосида ўз ихтиёрларига бериладиган бинолар ва мол-мулклардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишга ҳақлидирлар.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва давлат идоралари давлат мулки ҳисобланган ва ижтимоий-маданий мақсадларда фойдаланилмайдиган дин билан боғлиқ биноларни ва бошқа мол-мулкларни диний ташкилотларга мулк қилиб ёки ҳақ тўламай текин фойдаланиш учун беришлари мумкин.

Диний ташкилотлар аслан диний мақсадларга қурилган яроқли иморатларни ери билан ўз ихтиёрларига олишда мустасно ҳуқуққа эгадирлар.

Дин билан боғлиқ бўлган биноларни ва мол-мулкларни диний ташкилотларга ўтказиш масаласига доир қарорлар тегишли илтимоснома олинган пайтдан бошлаб бир ой муддатдан кечиктирмай қабул қилиниши ва айни пайтда бу ҳақда аризачиларга ёзма равишда хабар берилиши керак.

Тарих ва маданият ёдгорликлари бўлмиш иморатлар ва буюмларни диний ташкилотларга ўтказиш ва бу ташкилотларнинг улардан фойдаланиши қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

Диний ташкилотлар Ўзбекистон ССЖ қонунларида белгилаб қўйилган тартибда ерга эгалик қиладилар ва ундан фойдаланадилар. Диний бинолар қуриш ҳалқ депутатлари маҳаллий Советининг ижозати билан амалга оширилади.

18-модда. **Диний ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти**

Диний ташкилотлар Ўзбекистон ССЖ қонунларига ва ўз низомларига мувофиқ юридик шахс мақомига эга бўлган ноширлик, ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қурилиш, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа корхоналарни, шунингдек, хайрия муассасаларини (етимхоналар, касалхоналар) таъсис этишга ҳақлидирлар.

Диний ташкилотлар корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятидан олган фойдаларидан ва бошқа даромадларидан Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ ҳамда жамоат ташкилотларининг корхоналари учун белгиланган тартибда ва миқдорда солиқ ундирилади.

Диний ташкилотлар корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятидан келадиган ва хайрия мақсадларига сарфланадиган даромадлардан олинадиган солиқ миқдорини имтиёзли тарзда белгилаш ҳуқуқига Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси эгадир.

19-модда. **Ўз фаолиятини тўхтатган диний ташкилотларнинг мулкини тасарруф этиш**

Диний ташкилотларнинг фаолияти тўхтатилгандан кейин давлат ва жамоат ташкилотлари ёки фуқаролар томонидан шу ташкилотга фойдаланиб туриш учун берилган мол-мулк олдинги эгасига қайтарилади.

Диний ташкилотнинг фаолияти тўхтатилган тақдирда унинг ихтиёридаги мол-мулк шу ташкилот Низомига ва амалдаги қонунларга мувофиқ тасарруф этилади.

Қарз берувчиларнинг даъволарига кўра, қарзни ундириб олиш диний ташкилотларнинг дин билан боғлиқ мол-мулкларига қаратилиши мумкин эмас.

Ҳуқуқий ворис бўлмаган тақдирда мол-мулк давлат ихтиёрига ўтади.

IV БОБ. ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭТЪИҚОД ЭРКИНЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚЛАРИ

20-модда. **Диний урф-одатлар ва маросимлар**

Диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний йиғилишлар ўтказиш учун қулай бўлган жойларга, шунингдек, у ёки бу дин қадрлайдиган жойларга (зиёратгоҳларга) асос солиш ва уларни сақлаб туриш ҳуқуқига эгадирлар.

Ибодат, диний расм-русумлар ва маросимлар ибодатхоналарда ва уларга тегишли майдонда, зиёратгоҳларда, диний ташкилотларнинг муассасаларида, қабристонларда, фуқароларнинг уйлари ва ҳовлиларида ҳеч қандай тўсқинликсиз ўтказилади.

Ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги ҳарбий хизматчилар бўш вақтларида ибодатда ва диний расм-русумларни бажаришда иштирок этишларига тўсқинлик қилмайди.

Диний ташкилотлар ибодат қилиш тўғрисидаги таклифлар билан касалхоналардаги, ҳарбий шифохоналардаги, кексалар ва ногиронлар уйларидаги, озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги фуқароларга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Касалхоналарда, ҳарбий шифохона, кексалар ва ногиронлар уйларида, дастлабки қамоқ жойларида ва жазони ўташ жойларида ибодатлар ва диний расм-русумлар у ерлардаги фуқароларнинг илтимосига мувофиқ ўтказилади. Мазкур муассасаларнинг маъмурияти руҳонийларни таклиф этишга кўмаклашади, ибодат қилиш, расм-русумлар ёки маросимларни ўтказиш вақтини ва бошқа шарт-шароитларни аниқлашда иштирок этади.

Ўзга ҳолларда оммавий ибодат, диний расм-русумлар ва маросимлар Ўзбекистон ССЖда йиғилишлар, митинглар, намойишлар ва кўча юришларини ўтказиш учун белгиланган қатъий тартибда амалга оширилади.

21-модда. **Диний адабиёт ва диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар**

Фуқаролар ва диний ташкилотлар ўзи танлаган тилда диний адабиётни, шунингдек, диний мақсадларга мўлжалланган бошқа буюмлар ва ашёларни харид қилишга ва улардан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Диний марказлар ва бошқармалар диний адабиётларни нашр этиш ва тарқатиш ҳуқуқларидан Ўзбекистон ССЖ оммавий ахборот воситалари ҳақидаги Қонунга мувофиқ равишда фойдаланадилар. Илмий муассасалар дин ва ибодатга оид илмий тадқиқотларини нашр этишлари мумкин. Диний мақсадларга мўлжалланган буюмларни ишлаб чиқариш ҳуқуқига фақат диний бошқармалар ва марказлар эгадир.

Диний ташкилотлар диний мақсадларга мўлжалланган буюмларни, диний адабиётни ва диний мазмундаги бошқа маълумотномаларни Ўзбекистон ССЖнинг амалдаги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқаришга, чет элларга чиқаришга, чет элдан келтиришга ва тарқатишга ҳақлидирлар.

22-модда. **Диний ташкилотларнинг хайрия ва маданий-маърифий фаолияти**

Хайр-эҳсон қилиш, диний адабиётларни ўрганиш ва ўзга маданий-маърифий фаолият юритиш мақсадида диний ташкилотлар ҳузурида жамиятлар, уюшмалар ҳамда фуқароларнинг бошқа бирлашмалари тузилиши мумкин. Улар Ўзбекистон ССЖнинг маҳаллий адлия идораларида рўйхатга олинадиган ўз уставларига эга бўладилар.

Диний ташкилотлар ўзлари мустақил равишда, шунингдек, ижтимоий жамғармалар орқали хайрия фаолиятини амалга ошириш ва меҳр-мурувват кўрсатишга ҳақлидирлар.

Ана шу мақсадлар учун қилинган хайр-эҳсонлар ва ажратмалар солиқ солинадиган пул миқдоридан чиқариб юборилади.

23-модда. **Диндорлар ва диний ташкилотларнинг халқаро алоқалари ва мулоқотлари**

Диндорлар ва диний ташкилотлар гуруҳ бўлиб ёки якка тартибда халқаро алоқалар ўрнатишга ва бевосита шахсий мулоқотда бўлишга ҳамда бундай алоқаларни давом эттиришга, жумладан, муқаддас жойларни зиёрат қилиш учун, йиғилишларда ва бошқа диний тадбирларда иштирок этиш учун ет элга боришга ҳақлидирлар.

Диний ташкилотлар диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқароларни чет элга юборишлари ва шу мақсадда ажнабий фуқароларни қабул қилишлари мумкин. Ўзбекистон ССЖ ҳудудида ўтказиладиган халқаро анжуманлар Ўзбекистон ССЖ қонунлари белгилаган тартибга риоя қилади.

V БОБ. ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАРДАГИ ВА УЛАРНИНГ ҚОРХОНАЛАРИДАГИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

24-модда. **Диний ташкилотларда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар.**

Диний ташкилотларнинг фуқароларни ишга қабул қилишга ҳақлидир.

Меҳнат шартлари диний ташкилот билан ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади ва ёзма шаклда тузиладиган меҳнат шартномасида кўрсатилади.

Диний ташкилотларда меҳнат шартномасини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишга мажбурдир.

Руҳонийларга ҳар тўлаш шартларини белгилаш ҳужжатлар ҳам ҳуқуқий шундай тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Диний ташкилотларда меҳнат шартномасига мувофиқ ишлаётган фуқаролар касаба уюшмасининг аъзолари бўлишлари мумкин.

25-модда. **Диний ташкилотларда ишлаётган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари**

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар давлат ва жамоа корхоналари, муассасаларда ишлаётганларнинг ишчилари ҳамда хизматчиларига нисбатан қай даражада қўлланилса, диний ташкилотларда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган фуқароларга нисбатан ҳам худди шу даражада қўлланилади.

Фуқаролар, шу жумладан, руҳонийлар диний ташкилотларда ишлаб олган даромадларига давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ишчи ва хизматчилари учун белгиланган мезонлар бўйича солинади.

26-модда. **Диний ташкилотларнинг корхоналари ва муассасаларида фуқароларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлари**

Диний ташкилотларнинг корхоналарида, муассасаларида, шунингдек, улар тузган хайрия муассасаларида ишлаётган фуқароларга давлат ва жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ишчи ва хизматчиларининг меҳнати, уларга солиқ солиш тартиби, ижтимоий суғуртаси ва ижтимоий таъминоти тўғрисидаги қонунлар қўлланилади.

27-модда. **Диний ташкилотларда ишлаётган фуқароларнинг ижтимоий таъминоти ва ижтимоий суғуртаси**

Диний ташкилотларда ишлаётган фуқаролар, шу жумладан, руҳонийлар давлат ва жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ишчилари ҳамда хизматчилари билан баробар ижтимоий таъминланишлари ва ижтимоий суғурта қилинишлари керак.

Ана шу мақсадларда диний ташкилотлар, уларнинг корхоналари ва муассасалари давлат ижтимоий суғурта жамғармаси ва Ўзбекистон ССЖ нафақа жамғармасига жамоат ташкилотлари, уларнинг корхоналари ва муассасалари учун белгиланган тартибда ва миқдорда ажратма ўтказадилар.

Диний ташкилотларда ишлаётган барча фуқароларга қонунга мувофиқ умумий асосларда давлат нафақаси тайинланади ва тўланади.

VI БОБ. ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР

28-модда. **Ўзбекистон ССЖда дин масалаларига оид давлат идоралари**

Ўзбекистон ССЖ Конституциясига ва диний ташкилотларга оид масалалар билан Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Қорақалпоғистон Мухтор Совет Социалистик Жумҳурияти ҳукуматлари Кенгашидаги ва халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Советлари қўмиталаридаги тегишли бўлинмалар шуғулланадилар. Улар зиммасига маслаҳат бериш, мутахассислар хулосасини чиқариш, назорат иш ва ахборот бериб туришнинг ҳифалари юкланади.

Шундай бўлинмалар ҳифатида улар:

бошқа жумҳуриятдаги ва чет эллардаги ҳуқуқий шундай муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиб туради ва мувофиқлаштирув алоқаларини боғлайди;

Ўзбекистон ССЖ диний ташкилотлар ҳақида маълумотлар тўплайди ва виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларнинг ижросидан назоратни амалга оширади;

диний ташкилотларнинг илтимосига мувофиқ давлат идоралари билан кўмаклашиб ва давлат идоралари ҳаётини талаб қилувчи масалалар юзасидан зарур ёрдам беради;

жумҳурият, мамлакатдаги ва чет эллардаги турли динларга мансуб диндорлар ва ташкилотлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва хайрихоҳликни мустаҳкамлашга кўмаклашади;

Ўзбекистон ССЖ Президентининг, Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгашининг, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар ижроия қўмиталарининг қарори билан диншунослик бўйича экспертиза ўтказиш учун дин масалалари билан шуғулланувчи бўлинмалар ҳузурида диншунослар, диний ташкилотлар вакиллари ва инсон ҳуқуқлари муаммолари бўйича мутахассисларининг жамоатчи эксперт кенгашларини тузади, зарур ҳолларда давлат бошқарув ва суд идораларининг сўрови бўйича расмий эксперт хулосасини беради.

29-модда. **Виждон эркинлигини ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик**

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларни бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ва фуқаролар Ўзбекистон ССЖ қонунларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

30-модда. **Халқаро шартномалар**

Башарти ССЖИ ва Ўзбекистон ССЖ иштирок этаётган халқаро шартномада Ўзбекистон ССЖнинг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларидан фарқ қиладиган қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июн

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, республикада рўйхатдан ўтган ва ишлаб турган диний ташкилотларнинг уставлари (низомлари) улар ҳуқуқий шахс ҳуқуқини олишлари учун 1992 йил 1 январга қадар қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олиниши керак. Илгари рўйхатдан ўтмаган, янги тузилаётган, ўзларининг динга мансубликларини ўзгартираётган диний ташкилотлар ўз уставлари (низомлари)ни қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олиш ҳамда ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлиш учун 1992 йил 1 январдан эътиборан тақдим этадилар.

3. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси шу ҳафтанинг ригача:

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига Ўзбекистон ССР Қонунларини «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқлаштириш ҳақида, шунингдек, уни бузганлик учун жавобгарлик белгилаш ҳақида таклифлар киритсин;

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қарорлари ва виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларни ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқлаштирсин.

4. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни талабларини бажаришни таъминлаш учун зарур чоралар кўрсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЮЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

БЕКОБОД ҚУВУРИ

Яхши хабар чақмоқдек тез етиб келади. Куни кеча Бекободда Ўзбекистон металлургия заводи жамоаси жумҳуриятда биринчи бўлиб газ ва сув таъминоти учун ўта зарур қувурлар ишлаб чиқариш цехини ишга туширди. Яна денг, муддатидан беш ой илгари.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КОРХОНАЛАРИ МАДАДИ

ЛИПЕЦКЛИК КАСБДОШЛАР ИШДА ҲАМКОР

ҚОЗОҒИСТОН МЕТАЛЛУРГЛАРИ ПАНД БЕРМАС

АВГУСТ ОЙИДА ҚУВУР ТАЙЁРЛАШ ИККИ ҲИССА ОРТАДИ

Маълумки, бу цехни барпо этиш ҳақида жумҳурият ҳукумати ўтган йилнинг февраль ойида қарор қабул қилган эди. Қарорда барча тегишли корхона ва ташкилотлар, айниқса таъминотчилар цехни қуриш учун зарур материал, хом ашё ва ускуналар билан қисқа муддатларда таъминлашлари лозимлиги қатъий таъкидланганди. Амалда ҳам шундай бўлди. Завод ишчилари қурувчилар билан ҳамкорликдаги ишни бошлаб юбордилар.

Корхона маъмурияти жой масаласини тез ҳал қилиб берди. Янги цех эндигина тикланаётган таъмирлаш устахонаси ўрнида қад ростлади. Уни завод капитал қурилиш бошқармаси билан «Ўзбекметаллстрой» трести қурувчилари бунёд этишди.

Цех учун комплекс ускуналар лойиҳаси эса Липецкдаги металлургия комбинатидан олиб келинди. Бироқ уни тайёрлаш муаммо бўлиб қолди. Чунки бундай мураккаб машиналарни ясаб берадиган Иттифоқдаги ягона Москва вилоятидаги «Электростал» заводи ускуналар учун катта ҳақ (3,5 миллион сўм) талаб қилди. Бунинг устига бу йил эмас, 1992 йилда тайёрлаб беришимиз мумкин, дея шарт қўйишди.

Шунда жумҳурият ҳукумати комплекс ускуна масаласини ўзимизда ҳал қилиш имкониятларини қидирди. Қарангки, изласа имконият топиларкан. Тошкент шаҳридаги 17 та корхона ва Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» заводи мутахассислари металлурглар билан ҳамкорликда қувур ишлаб чиқарувчи мураккаб технологияни яратишди. Қайтанга, бу — жумҳурият учун арзонга тушди, қарийб 2 миллион сўм маблағ харажат қилинди. Ҳамкорлик нишоналари бўлмиш бундай комплекс ускуналар қисқа муддатларда цехнинг кенг биносида ўрнатилиб, ишга туширилди. Дастлабки маҳсулот—газ ва сув таъминоти учун ўта танқис 76 миллиметрли қувурлар шу йилнинг июнидан бошлаб цех дарвозасидан чиқа бошлади.

Ҳозир цехда икки сменада 46 киши ишлаяпти. Улар ўзлари учун янги бўлган касбни Липецкдаги турдош корхонада ўрганиб қайтишган. Тўғриси, комплексни бошқариш анча мураккаб. Озгина хато қилсанг, маҳсулот сифатсиз бўлиши мумкин. Уч тонналик пўлат ўрамларини эҳтиёткорлик билан ускуна устига қўйиш, қувурга айланаётган пўлатни моҳирлик билан пайвандлаш аппаратига ўтказиш, хуллас чаққон ҳаракат қилиб, маҳсулотнинг сифатли бўлишини таъминлаш зарур.

— Ҳамюртларингиз ишнинг ҳадисини бирмунча тез олишди, — дейди Липецк металлургия комбинатидан ёрдамга келган катта уста Л. Курдяков. — Энди улар бемалол ускуналарни бошқараверишади. Ҳозирча минутига 16—18 метрдан қувур тайёрланяпти. Кейинчалик бу кўрсаткични икки бараварга ошириш мумкин.

Бугунга келиб, цех аҳли зиммадаги ойлик режани 104,0 фоизга ошириб бажарди. 235 тонна сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу — қарийб 43,3 километр узунликдаги қувурлар, дегани. Йил охиригача 6000 тоннадан зиёд маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Август ойида иккинчи линияни фойдаланишга топшириш мўлжалланган. У ишга тушса, ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар ортади. Ана шунда белгиланган режани муддатида бажариш имкони туғилади. Фақат таъминотчилар панд беришмаса бўлгани.

— Цехнинг муддатидан илгари ишга туширилгани бир ҳисобда яхши бўлди, — дейди цех бошлиғи Е. Кан. — Иккинчи томондан бизга бироз қийинчиликлар келтирди. Нега дейсизми? Сабаби — биз Қарағанда металлургия комбинати билан сентябрь ойидан бошлаб хом ашё келтириш ҳақида шартнома тузгандик. Чунки айни сентябрь ойида биринчи линияни ишга туширишга кўзда тутилган эди-да. Бироқ дарҳол хатони тузатдик. Қозоғистонга вакилларимиз бориб, тезда беш вагон тегишли хом ашё (штрипс)ни ундириб келишди. Шунга қарамасдан хом ашё муаммоси ҳанузгача кун тартибида турибди.

Дарҳақиқат, цехда 2—3 кунга етадиган хом ашё қолган, холос. Қарағанда металлургли ари йил охиригача бекободлик ҳамкасбларига 7 минг тонна пўлат ўрамлари етказиб беришни ўз зиммаларига олишган. Лекин бу хом ашё даставвал РСФСРнинг Свердловск областидаги машинасозлик заводида қайта ишловдан ўтказилиб, тайёр хом ашё (штрипс) сифатида Ўзбекистонга келтирилиши керак. Бунга анча вақт кетади. Сарф-харажати ҳам ўзига яраша.

Завод маъмурияти кейинчалик пўлат ўрамларини тегишли шаклда цехнинг ўзида кесиб-тайёрлаш ва шу тарифа свердловсклик машинасозлар хизматидан фойдаланишга чек қўйишни режалаштирмоқда. Цех бошлиғининг фикрича, бу иш келаси йилдан бошлаб йўлга қўйилади.

Тўғри, цехда бошқа муаммолар ҳам бор. Масалан, ҳали етарлича иш ва маиший шароитлар яратилмаган. Бироқ шунга қарамасдан аҳил коллектив ҳамжиҳатлик билан ишлаб, қийинчиликларни енгиб ўтмоқда. Йирик комплексда қувур тўхтовсиз ишлаб чиқариляпти. Тайёр маҳсулот истеъмолчиларга мунтазир. Қувурларнинг асосий қисми жумҳурият қишлоқ аҳолиси эҳтиёжлари учун ишлатилади. Бунинг сабаблари бор, албатта. Чунки ҳозиргача кўплаб қишлоқларимиз, овулларимиз газлаштирилмаган, ичимлик сув билан таъминланмаган. Бекободлик металлурглар тайёрлаётган қувурлардан эса айни шу мақсадларда фойдаланилади.

Куни кеча дастлабки маҳсулот ўз эгасини топди. Бир қисм қувурлар Бекобод шаҳри эҳтиёжларига ишлатиладиган бўлди. Металлурглар ёрдам сўраб келган Жигаристон вакилларини ҳам рози қилишди. Уларга 5 километр узунликдаги қувурлар ажратиш масаласи ҳал бўлди. Яқинда завод маъмурияти жумҳурият Савдо вазирлиги билан шартнома имзолади. Унга кўра, тайёр маҳсулот вазирлик орқали қишлоқ истеъмолчиларига етказиб берилади. Шундай экан, тез орада қишлоқларимизни газлаштириш ва водопроводлаштиришда бекободлик металлурглар тайёрлаётган қувурлар ишлатилса ажаб эмас.

А. БОЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ҚАРОРГА ШАРҲ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

иттифоқ фондига ва жумҳуриятлараро битимлар бўйича етказиб беришдан ташқари) четга чиқариш учун рухсатнома фақат Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги комиссия томонидан маҳсулот алмаштириш учун иқтисодий жиҳатдан фойдали шартномалар мавжуд бўлгандагина берилади.

Бунда Қарақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети зиммасига хўжаликлар, корхоналар ва ташкилотлар умумиттифоқ фондига маҳсулот етказиб беришни ҳамда жумҳуриятлараро битимлар бўйича маҳсулот етказиб беришни қандай бажараётганликларини назорат қилиш вазифаси юклатилди.

Кейинги вақтда шахсий ёрдамчи хўжаликларни мустаҳкамлаш юзасидан каттакатта тадбирлар амалга оширилди, уларни ривожлантириш учун жамоат секторидан катта ҳажмдаги суғорма ерлар ажратилди. Мева-сабзавот маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш учун амалий имкониятлар вужудга келтирилди. Шахсий хўжаликлар етиштираётган маҳсулотнинг бир қисми албатта жумҳуриятдан ташқарига чиқарилади.

Қарорда бозор шароитида худудлар фаолият кўрсатиши учун иқтисодий омиллар яратиш мақсадида кооперативлар, ижарачилар, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгалари ва бошқа фуқаролар шу йилнинг 1 июлидан бошлаб жумҳуриятдан четга чиқарадиган узум, янги, қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларига бож солиниши белгилаб қўйилди.

Эндиликда кооперативлар, ижарачилар, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгалари ва бошқа фуқаролар узум, янги, қуритилган ва қайта ишланган сабзавот-мева маҳсулотларини четга олиб чиқишлари учун район ижроия комитетининг комиссиясидан, Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида шаҳар ижроия комитети комиссиясидан рухсатнома олишлари ва кооперативларга уларга хизмат кўрсатувчи банк бўлимлари, ижарачилар, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгалари ва фуқароларга жамғарма банкининг маҳаллий бўлимлари бож тўланганлиги тўғрисида берган ҳужжатларга эга бўлишлари керак.

Бунда юқорида айтиб ўтилган маҳсулотларга солинадиган бож миқдори йил даврларига кўра табақалаштириб: январь-апрель ойларида 60 фоиз, май-июнь ойларида 30 фоиз, июль-сентябрь ойларида 20 ва октябрь-декабрь ойларида 30 фоиз миқдорида белгиланди. Бу миқдор 1991 йилда жумҳурият ички бозорида сотиш учун тасдиқланган мева-сабзавот маҳсулотларига белгиланган ўртача энг юқори шартномавий нархларга нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади. Ана шу бож миқдори 5 тоннагача бўлган маҳсулотни бир галги четга чиқаришда белгиланди, 5,1 тоннадан 10 тоннагача бўлган маҳсулот четга чиқарилганда бож миқдори 1,5 барвар, 10 тоннадан ортиқ бўлганда 2 баравар кўпаяди.

Бож олишдан тушган барча маблағ Қорақалпоғистон МССР, жумҳурият вилоятлари ва Тошкент шаҳри бюджетига ўтказилади. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 5 апрелдаги 89-сон қарорига мувофиқ тасдиқланган ўртача энг юқори шартномавий нархлар ва йил давларига қараб четга чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотларига солинадиган бож ставкалари жумҳурият тегишли банкларининг барча бўлимларига юборилди.

Юқорида айтиб ўтилган рухсатномалар ва бож тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатлар бўлмаса, маҳсулотни четга чиқариш тақиқланади, у эгасига қайтарилади ёки унинг розилиги билан шартномавий нархларда «Узкоопзаготторг»нинг тайёрлов ташкилотлари томонидан қабул қилиб олинади.

Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилинган қарори бозор шароитида мева-сабзавот маҳсулотини четга чиқариш тартибга солинишини, жумҳуриятда мевачилик ва сабзавотчилик самарадорлигини оширишни таъминлаши зарур.

ТАМАРАХОНИМ

Кўп миллатли совет санъати оғир жудоликка учради. СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати, ўзбек санъатининг шуҳратини бутун дунёга таратган Тамарахонимнинг юраги 86 ёшида уришдан тўхтади.

Тамара Артёмовна Петросянц — Тамарахоним 1906 йилда Фарғонада, ишчи оиласида таваллуд топди. У ўзбек совет театр санъати, қўшиқлари ва рақслари шаклланишининг бошида турган кишиларнинг биридир. Чуқур халқчиллик, оддийлик ва реаллик, гўзаллик ва туйғулар жўшқинлиги Тамарахоним санъатини томошабинлар кенг доираси учун жуда тушунарли қилган эди. Унинг концерт фаолияти халқлар дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлаш ишига хизмат қилди.

Истеъдоди ва санъатга бўлган мислсиз муҳаббати туфайли Тамарахоним 13 ёшида саҳнага чиқди. У ишчилар ҳузурида ўзининг дастлабки концертларини берди. Балет мактабини тугатгач, 1922 йилда ўзбек артистлари гуруҳи таркибида биринчи марта гастролларга чиқади. Ўзбекистонлик ёш раққосанинг номи тез орада бутун мамлакатга кенг тарқалади.

Тамарахоним 1925 йилда совет артистлари делегацияси таркибида Парижда ўтказилган жаҳон амалий санъати кўргазмасида, 1935 йилда Лондонда бўлган халқаро рақс фестивалида ўз санъатини катта муваффақият билан намойиш этди.

У 1937 йилда Москва шаҳрида ўтказилган биринчи ўзбек адабиёти ва санъати декадасида фаол қатнашди.

Ўзбекистон балет санъатининг туғилиши, балет мактабининг ташкил этилиши ва биринчи ўзбек балети — «Гуландом»нинг саҳналаштирилиши Тамарахоним номи билан боғлиқдир. Санъаткор «Гуландом» балетида бош ролни ижро этган, сценарий муаллифи бўлган ва уни саҳналаштирган эди.

Ўзбекистон кўп миллатли санъатини тарғиб этишда Тамарахонимнинг хизматлари каттадир. У ўзининг бутун умри мобайнида фаол концерт фаолияти билан шуғулланди, қувончли кунларда ҳам, оғир даврларда ҳам Тамарахоним ҳамма вақт ўз халқи билан бирга бўлди. У Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек артистлари концерт бригадаси билан биргаликда жангчилар ўртасида ўз санъати ва маҳоратини намойиш этди ҳамда 1500 тадан кўпроқ концерт берди.

Совет ҳукумати Тамарахонимнинг хизматларини юқори баҳолади. У СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган, Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари, медаллар билан мукофотланган, бир неча марта Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши депутати этиб сайланган эди.

Атоқли артист, коммунист, ажойиб қалб ва сахий истеъдод эгаси Тамара Артёмовна Петросянц — Тамарахонимнинг ёркин сиймоси халқ хотирасида ҳамма вақт сақланиб қолади.

И. Каримов, Ш. Йўлдошев, Ш. Мирсандов, А. Ефимов, И. Жўрабеков, А. Абдувосиқов, А. Икромов, Ҳ. Исамуҳамедов, Р. Маматова, А. Фозилбеков, Ў. Ҳошимов, Д. Шамшетов, К. Юсупов, А. Отажонов, Ў. Исмонилов, А. Муталов, П. Нўъмонов, Р. Ражабов, Э. Самандаров, Қ. Ҳаққулов, Б. Ҳамидов, Т. Шарипов, Б. Назаров, Н. Ғойибов, Р. Ғуломов, А. Жабборов, Б. Қориева, М. Қаюмов, О. Ёқубов, Ш. Аббосов, Д. Абдурахмонова, Г. Измайлова, С. Эшонтўраева, С. Қобулова, Қ. Миркаримова, З. Муҳаммаджонов, Ҳ. Носирова, Н. Раҳимов, О. Шомуротова.

• АНЪАНАЛАР

ҚИРҚ ЙИЛДАН КЕЙИН

Бу учрашув бир умр эсда қолса керак. У қувонч тўла табрикларга, севинч кўз ёшларига, тантанали онларга ниҳоятда бой бўлди. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги Маннон Ўйғур номли 22-ўрта мактабни бундан қирқ йил муқаддам битирганлар шу учрашув «айбдорлари» эдилар.

Вақт оқар сув экан. Ўшанда эсласа эслагудек воқеалар кўп бўлган. Икки акаука турли сменада ўқишарди. Дарсларини битириб қайтган ака калишини иккинчи сменага борадиган укасига берарди. Ҳа, йўқчилик эканда — икки болага бир жуфт пойафзал тўғри келганди. Ўзига тўқроқ оиланинг фарзанди эса кўпинча ўзигагина эмас, ёнмаён ўтирадиган ўртоғига ҳам егулик у-бу олиб келарди. Кучли, бақувват болалар заифларни бировга хафа қилдириб қўйишмасди. Аҳиллик, ўзаро ёрдам, бир-бирларининг қувончига шерик, ғамига ҳамдамлик ҳамма нарсадан устун эди. Булар урушнинг дастлабки йили мактаб остонасидан биринчи марта хатлаб ўтган болалар эди.

Йиғилганлар, жумладан, ҳозирги ўқувчилару оқсоқолларгача — ҳамма-ҳамма сочларига оқ оралаган, бироқ илгаригидек шўх ва танти, қалби ёш кишиларнинг хотираларини мароқ билан тинглади.

1951 йилда бу мактабни битирганлар орасида ҳозир тўрт нафар фан доктори, етти нафар фан номзоди бор. Кўплари меҳнат жамоаларига раҳбарлик қилишяпти. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли. Демак, суҳбатлашишга арзийдиган мавзулар, тажриба алмашишга сабаб бўладиган илинжлар бор.

Бундай учрашувлар анъанага айланган. Мактабга йиғилганлар бундан ўттиз, йигирма ва ўн йил олдин ҳам бир-бирлари билан учрашган эдилар.

Умуман олганда 22-ўрта мактабни 46 марта ўқувчилар битириб чиқишди. Мазкур билим даргоҳида генераллардан: Совет Иттифоқи Қаҳрамони Собир Раҳимов ва Собиржон Охунжонов, шоирлардан: Қуддус Муҳаммадий, Туроб Тўла, Эркин Воҳидов, Қудрат Ҳикмат, Сайёр Пўлат, Тўлқин Имомхўжаев ва Тўлқин Илҳомовлар, таниқли олимлардан: Насриддин Сирожиддинов, Убайдулла Азизов, Эркин Қосимов, Турсун Исмоилов, Сойиб Қосимов, Оқил Исҳоқов, Асқар Ортиқов, Анвар Йўлдошев, Шавкат Собиров, Даврон Шорахмедов ва бошқалар таълим олишган. Шу боис мактаб жамоасининг собиқ талабалари билан ҳар қанча фахрланишга ҳаққи бор.

Ушбу мактабнинг бошқа ўқув даргоҳларидан фарқланадиган томони нимада? У 1957 йилдан бошлаб араб тилини ўқитишга ихтисослаштирилган. Шу маънода фақат шаҳардагина эмас, балки жумҳуриятимизда ҳам базавий билим юртидир. Бу ерда юқори малакали арабшунос мутахассислар фидокорона тер тўкишяпти. Миср ва Яманда ишлаб келган Тоҳирхўжа Нуриддинов, Мисрда таваллуд топган ва билим олган Илҳомжон Эшонжонов, Фарида Мусажонова, Руҳулло Мусахўжаев шулар жумласидан. Дарвоқе, И. Эшонжонов, Ф. Мусажонова ва Р. Мусахўжаевлар 6- ва 7-синфларнинг ўқувчилари учун араб тили дарслигини нашрга тайёрладилар. Қўлланма барча тегишли идоралар «Кўриги»дан муваффақиятли ўтиб, ҳозир «Ўқитувчи» нашриётидадир. Китоб яқин вақт ичида босиб чиқарилиши керак.

Мактабда синфдан ташқари хилма-хил қизиқарли ишлар олиб бориляпти. Масалан, бу ердаги методист ўқитувчи Фотима Шоиноғомова бошчилик қилаётган жуғрофия тўгарагининг доврўғи бутун шаҳарга ёйилган. Тўгарак аъзолари йиллик олимпиадаларда мунтазам қатнашиб келмоқдалар. Араб тили, рус адабиёти, электрон ҳисоблаш машиналари тўгаракларида ҳам машғулотлар самарали ўтаётир.

«Ёш арабшунослар» деворий газетаси мактаб ўқувчиларининг севимли рўзномасидир. Йилига бир марта араб тили ҳафталиги, албатта, тантанали равишда ўтказилади. Бунда ҳар бир синф навбати билан араб тилини ўрганиш соҳасидаги муваффақиятларини намойиш қилади.

— Мана, қирқ тўрт йилдирки, — деб ёзади ЎзТАГ мухбири И. Алимов, — мактабга СССР халқ ўқитувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳоким Ҳошимов узлуксиз директорлик қилиб келмоқда. Унинг ўқитувчилик фаолиятини бошлаганига 56 йил бўлди. Мактабдаги барча ютуқлар у кишининг номи билан боғлиқдир. Ҳоким ака ҳозир ҳам куч-қувватга тўла. У жонажон коллективи, шогирдлари ва ўқитувчиларга кўпроқ фойда келтиришга аввалгидек иштиёқманд. Умрингиз узун, сўзингиз ўткир, дастингиз баланд бўлсин, Ҳоким ака!

СУРАТДА: анъанавий учрашув пайтида.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзТАГ) олган сурат.

«БУХОРО СПОРТИ»

Вилоят ижроия қўмитаси матбуот бошқармаси шундай номдаги янги рўзномани рўйхатга олди. Уни ижроқўмнинг физкультура ва спорт қўмитаси таъсис этди.

Янги матбуот нашрини чиқаришдан мақсад вилоятда спорт, жисмоний тарбия, умуман соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни кучайтиришдир. Янги нашр ҳозирча ойига икки марта, беш минг нусхада, район рўзномалари ҳажмида чиқарилмоқда.

• Тилга эътибор—элга эътибор

Кўчаларни айланганимизда

Қадимги туркий тилда битилган «Қутадғу билиг» — «Яхшилик келтирувчи билимлар» асарида қуйидаги сатрлар бор: «Заковат ва билимнинг очқичи тилдир, одамни ёруғликка бошловчи тил — равон тилни ўрганғин». Табиийки, ҳар бир халқнинг она тили равон бўлиши учун унинг софлигини таъминлаш зарур.

Тилнинг софлиги учун узлуксиз, меҳр-муҳаббат билан ривожлантириб борилгандагина таъминланади. Буюк бобомиз Юсуф Хос Хожиб бундан минг йил аввал ҳам шу ҳақда қайғурган эди. Лекин биз яқин йилларгача она тилимизга лоқайд муносабатда бўлиб келдик. Натижада унинг аралаш-қуралаш, мош-гуруч бўлиб кетишига йўл қўйдик. Ниҳоят, Ўзбекистонда Давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул қилиниши айни кўнгилдаги иш бўлди. Бироқ айрим кишилар Тил ҳақидаги қонунга қуруқ расмий ҳужжат сифатида қарамоқдалар.

Бу борада Наманган шаҳрида қандай амалий ишлар олиб бориляпти? Навоий кўчасининг Сардоба даҳасидан темир йўл вокзалига қараб юрамиз. Кўчанинг чап томонида дўконларга йирик ҳарфлар билан қуйидаги ёзувлар битилган: «Промтовары», «Электротовары». Шаҳар саноат моллари савдоси идорасига қарашли ана шу дўконнинг номини ўзбек тилида ёзиш зарурлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти.

Йўлда давом этамиз. «Полуфабрикаты», «Соки», «Кулинария» деган ёзувлар кўзга ташланади. Беихтиёр нима, бу сўзларнинг ўзбекча маъноси йўқми деб ўйлаб қоласиз.

Кўчанинг ярмига бормасданоқ ҳафсалангиз пир бўлиб, орқангизга қайтасиз. Кўчанинг чап томонида ҳам кўзингиз фақат ана шундай ёзувларга тушади. Мусиқа мактабининг биноси олдига улкан ёнар ҳарфлар билан «Концертний зал» ёзуви битилган. «Гуландом» қаҳвахонасининг ёнидаги бинога эса нақд ярим метрли ҳарфлар билан «Циплята табака» деб ёзилган.

Кўчаларни айланар экансиз, ташкилот ва муассасалар, дўконлар ва устахоналар номларини миллийлаштириш сust бораётганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу вилоятда ҳам Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш юзасидан нуфузли комиссия тузилган. Тўғри, комиссия бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда. Кўчалар номи ўзбекчалаштирилмоқда. Бироқ унинг фаолиятида озгина изчиллик етишмаётир. Белгиланган тадбирларнинг бажарилишига янада эътибор берилса-ку, олам гулистон. Бу муқаддас қонунга муносабатимизни тубдан ўзгартирганимиз маъқул.

Абдулла ЖАЛИЛ.
Наманган.

АҚЛ-ИДРОК МУШКУЛЛАРНИ ОСОН ҚИЛУР

• Ҳуқуқшунос минбари •

Яқинда «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун кучга кирди. Чунки Иттифоқда кейинги пайтда юзага келган мураккаб вазият реал ҳаётнинг тажрибасига таянишни, ҳар бир шахснинг ижодий фаолиятини синчиклаб ўрганишни тақозо этарди.

Энг асосийси — Ўзбекистоннинг Мустақиллик Декларациясига биноан сиёсий ва иқтисодий мустақиллигимизни таъминлаш, фуқароларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг эҳтиёжларини қондиришдир. Мустақилликка интилаётган жумҳуриятимиз шу ҳудудда истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг тўлиқ камол топиши, халқнинг осуда, тинч ва тўқ ҳаёт кечиришини, аҳолининг фаровонлигини таъминлашни ўзининг биринчи галдаги вазифаларидан деб билади. Шунинг учун ҳам жумҳуриятимизга уддабурон, ишнинг кўзини биладиган, бор қобилиятларидан мақсадга мувофиқ фойдалана оладиган тадбиркор шахслар жудаям зарур. Шунингдек, уларнинг ҳуқуқларини ҳам мустаҳкамлаб қўйиш зарур эди.

«Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги бу Қонун Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қўмиталари томонидан тайёрланган. Унинг асосий мақсадларидан бири, бозор иқтисодиёти шароитида республикамиз халқ хўжалигида хўжалик юритишнинг энг самарали усулларини қўллашга йўналтиришдан ҳамда унинг тўлиқ мустақиллигини кафолатлаган ҳолда иқтисодий ва ҳуқуқий негизларини яратиб беришдан иборатдир.

Бу қонун фуқаролар тадбиркорлик қобилиятининг ривожи учун барча имкониятларни вужудга келтириб, уларнинг амалий фаоллигини оширишни ҳамда ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатлашиб ишлашини таъминлайди. Унинг афзал томонларидан яна бири шуки, тадбиркор, яъни иқтидори бор ҳамда қобилиятли барча фуқароларнинг ижодий, шахсий ташаббускорлигини қўллаб-қувватлайди.

Тадбиркорлик бу— фойда олиш мақсадида, таваккалчилик асосида амалга ошириладиган фаолиятдир. Яъни тадбиркор одам ўз мулкий жавобгарлиги доирасидаги ташаббус билан иқтисодий муносабатларга киришади. Бу иқтисодий муносабатларнинг чегараси мулкдор ёки хўжаликни тўлиқ бошқарувчи субъект томонидан ҳаракатдаги қонунларга асосан белгиланилади.

Тадбиркорлик тўғрисидаги Қонун тадбиркорга ўз меҳнатидангина эмас, балки ёлланма меҳнатдан ҳам фойдаланиш ҳуқуқини берди. Тадбиркор қонунларда тақиқланмаган барча фаолиятларни амалга ошириши мумкин. Айниқса, у фаолият маҳсулини тақсимлашда мустақилдир, яъни ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Шунингдек, бу қонун тадбиркорга ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш билан бирга, ҳаракатдаги турли мулк шаклларидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам беради. Фақат у молия идоралари ҳузурида ҳисоб бериши, асослов (декларатив) шакли асосида давлат молия органлари олдида моддий жавобгарлигини амалга ошириши мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлмиш барча фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган ёки чет эл фуқароси бўлиб ҳисобланган, аммо Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи шахслар, юридик шахслар ҳамда аралаш мулк асосида вужудга келган барча тадбиркорлик субъектлари ўз ташкилотларини ёки ширкатларини тузадилар. Аммо, уларнинг вужудга келиши, қайта ташкил этиш, уни тугатиш ҳамда бир-бирига қўшилиши ёки ажралиши ёки йириклашишининг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

Айниқса, «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун билан тадбиркорнинг бурчи, унинг мажбуриятлари ҳамда масъулиятлари давлат томонидан кафолатлангандир.

Тадбиркор шахс ёки бир гуруҳ фуқаролар хўжалик юритувчи субъектлар билан бир қаторда корхоналар ва ташкилотларни вужудга келтириши, таъсис этиши ёки шартномалар асосида хўжаликни тўла бошқариш ҳуқуқига эга бўлиш имкониятларига эга. Бу фаолият билан шуғулланувчи субъектларга ўз фаолиятларини давом эттириш учун барча хоҳловчи юридик шахсларнинг ҳамда фуқароларнинг мол-мулкини, пул маблағларини, меҳнат қилиш қобилиятларини бирлаштириш ҳуқуқлари ҳам берилиши кўзда тутилган. Шунингдек, улар ижтимоий таъминланиш ва суғурта қилиниш ҳамда Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган чексиз миқдорда шахсий даромад олиш ҳуқуқларига эгадирлар.

Қонунда тадбиркорнинг ўзига хос мажбуриятларидан яна бири барча тузилган шартномаларни ўз вақтида ва лозим даражада бажаришидир. Ҳатто корхонанинг молиявий аҳволидан қатъи назар, ходимлар билан тўла ҳисоб-китоб қилиши, ёлланма ходимларни ижтимоий ва тиббий суғурта қилиш ҳамда ҳаракатдаги қонунларда кўрсатилган мажбуриятларни бажариши шарт қилиб қўйилган.

Тадбиркорнинг масъулияти, аввало, ўз мол-мулки доирасида бўлиши лозим. Лекин, Қонун мулкий даъволар бўйича тадбиркорнинг меросхўрларига ҳам даъво талабларини йўналтиришга, бу талабларнинг ҳажми ворислар томонидан мерос қилиб олинаётган мулкдан ортиқ бўлмаслиги имкониятини ҳам яратиб беради.

Ушбу Қонуннинг бошқа қабул қилган мажмуалардан фарқи шундаки, у мутлақ асосда тадбиркорнинг масъулиятини белгилашга асосий эътиборни қаратган. Агар тадбиркор солиқ ва кредит мажбуриятларини тўлиқ, ўз вақтида бажармай, битимлар ижросини таъминламай, истеъмолчиларга сифатсиз маҳсулот берса, инсофсизларча рақобат қилса, бундай салбий ҳолатлар учун унинг фаолияти суд тартибида кўрилиб, фаолияти тўхтатилиши ҳам мумкин.

Давлат тадбиркорни — ҳуқуқ субъекти сифатида бошқа ташкилотлар, яъни юридик шахслар, давлат органларидан ва унинг ишига аралашувчи барча шахслардан ҳимоя қилади. Ёки унга етказилган зарарларни суднинг қарорлари асосида тўлиқ ундириб беради. Ҳамда келажакда унинг ҳуқуқ ва бурчлари бузилмаслиги кафолатини ҳам таъминлайди.

Шундай экан, бу Қонуннинг кучга кириши республикамиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча шахсларнинг ижодий активлигини, ишлаб чиқариш фаолиятидан уларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини оширади. Ишбилармонларнинг мулкий барқарорлигини вужудга келтиради. Айниқса, эндигина намоён бўлаётган уддабуронлик, халқимизнинг ишбилармонлик қобилиятини мустаҳкамлайди. Қолаверса, истеъмол бозорини мўл-кўл қилишга кўмаклашишига, аҳолининг моддий ва маънавий талаб ва эҳтиёжларини қондиришда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.

О. ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигининг бўлим бошлиғи, доцент.

Буюк қалам соҳиблари ҳар қандай замон кишилари учун замондош. Бунга сабаб шуки, улар Ҳазрати Инсон дардларини ҳадди аълосига етказиб қоғозга туширган экан, ҳар бир давр бу хазинага ўз нуқтаи назари билан қарайди ва албатта, ўзи учун талай муҳим жиҳатларни кўради.

Шамс ул-миллатимиз — Алишер Навоий ижоди ҳам ана шундай. Бу улуғ зот асарларидаги айрим воқеа-ю талқин, қай бир байту мисра, баъзи сўзу ибора таҳлилига бағишланган кичик-кичик мақолачаларни «фиқралар» деб аташ лозим топилди. Арабча «фиқра» сўзи ўтмиш Шарқ сўзшунослиги-ю, шеършунослигида нутқ ё матннинг муайян бўлаги — парчаси маъносида келади.

Бу таҳлил мақолачалар илмда «жажжи тадқиқотлар» ҳам дейилади. Мазкур атама шунинг учун маъқул кўрилмадики, фиқраларнинг айримларида тадқиқот даъвоси йўқ.

Қуйидаги икки фиқра эътиборингизга ҳавола этилади.

ФИҚРАЛАР

«ОЙИНАЙИ ЧИН»

Ҳар ким ўз аъмоли билан гирифтор бу оламда баъзан ҳамма билган нарсалардан ҳам бехабар юраверар экансан киши. Бир куни Тошкент томошасига келган ҳамқишлоқлар: «Инқилоб хиёбони» атрофида бир ажойибхона бор эмиш, унга кирсангиз, турли-туман ойналар сизни ҳар кўйга солиб кўрсатар экан, кулгандан ичагингиз узилар эмиш. Шу ёққа бизни ҳам бир олиб боринг. Тошкентни кўрмаган ҳамқишлоқларга биз ҳам бир мақтанайлик, — деб қолишди.

Қаранг, шунча йилдан бери пойтахтда яшаб, шунақа ойназор ажойибхона борлигини билмас эканман. Излаб топдик! Максим Горький номидаги маданият ва истироҳат боғида экан. Тепасига русчалаб: «Комната смеха», яъни «Кулги хонаси» деб ёзилган кўримсизгина бу кўшк ичига кириб, ҳамма кулди, мен эса ҳайратдан донг қотдим. Хонанинг чор атрофида ойна. Бири сизни узун, бири ҳаддан ташқари калта — бақалоқ, яна бошқаси гавдангизнинг бир ерини узуну ўзга аъзоларингизни ялпоқ қилиб кўрсатади.

Мени ҳайрат босгани шундаки, илгари ҳазрат Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида худди шу ойналарга ўхшаш бир кўзгу ҳақида ўқиган, унинг кишини қинғир-қийшиқ кўрсатишини хаёлий бир тасвир деб ўйлаган, рости, шундай кўзгу бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилиб кўрмаган эдим.

...Чин хоқони Искандар Зулқарнайн билан жангу жадалсиз сулҳ тузилганидан кейин жаҳонгирга олам-олам молу дунё,бир-биридан гўзал минг канизга қўшиб бир кўзгу ҳам тортиқ қилади. Уни «Ойинаи Чин» дейдилар. Буни ясаган ҳаким икки юзига икки тилсим яширган. Бири шундайки, шоҳ арз билан келган додхоҳларнинг гапи ростми-ёлғонми эканлигини билмоқчи бўлса, унинг гапи тасдиғи учун гувоҳ чақириб ўтириш шарт эмас, ўша додхоҳ дардини айтиб бўлиб ойнага қараса ва кўзгу унинг юзини кўрсатса, демак, у рост сўзлаган:

Агар сўзи чиндур — кўрунур юзи,
Кўринмас юзи — бўлса ёлғон сўзи.

Ойинанинг иккинчи ёғи бундан-да, бўлажаброқ: агар шоҳ базм тузган-у, унда мулозимлар майхўрлик қилган бўлсалар ва иш бадмастлик даражасига етмаса — яхши, лекин ким тинч, осойишта майхўрлик қилган-у, ким ҳаддидан ошганини қандай аниқлаш мумкин? Кўзгунинг иккинчи юзи шунга хизмат қилган. Кимки «ором ила» майхўрлик қилган бўлса, ойинага тикилганда унинг юзи аслидагидек кўринади:

Аларким май ичгайлар ором ила,
Кўрунур аларга юз андом ила.

Бироқ кимки ҳаддан ошиқ ичиб қўйган бўлса, ойинага тикилганда афту башарасини қинғир-қийшиқ — узун, ё ялпоқ, ё кичик, ё катта кўрсатар экан:

Бироз майга топиб фурудастлиқ,
Аён қилғудек бўлса бадмастлиқ,
Кўрунур юзи кўзгу ичра бузуқ,
Узун, ёки ялпанг, кичик ё улуқ.

Қаранг, Навоий XV асрдаёқ биз ҳозир XX асрда завқланиб турганимиз — қинғир-қийшиқ кўрсатадиган ойнани тасаввур қилган. Демак, Навоий даврида ҳам кишининг мастми, маст эмаслигини аниқловчи ўлчагичга эҳтиёж бўлган. Ундан ташқари, бу ойина улуғ жаҳонгирга боғлаб айтиляптики, эҳтимол, мазкур масалалар ўша эрамиздан олдинги — Искандар Зулқарнайн замонасидаёқ кўтарилгандир. Биз учун муҳими эса ана шундай ойна воситасида шоир ростлик ва ёлғончилик, мастлик ва ҳушёрлик муаммоларини қўяяпти. Чунки, Садди Искандарий»нинг мана шу байтлар олинган 52-бобидан сал олдин (49-бобида) Навоий «Тузлук таърифида...», яъни «Тўғрилик ҳақида» махсус тўхталган эди. Шу тариқа «Ойинаи Чин» бирикмасидаги иккинчи сўзга ийҳом санъати асосида ҳам «Чин мамлакати», ҳам «чин», яъни рост деган маънони юклаган. Чунки араб ёзувида катта ҳарф бўлмайди.

Хуллас, фақат хаёлий тасвирда деб юрганингиз бирдан ҳаққоний — мавжуд нарсага айланса, тасаввургина қилиб келганингиз ойинани ўз кўзингиз билан кўрсангиз, фикрингиз ўзгаради! Навоий хаёл қилиб эмас, кўриб туриб ёзган, унинг ақлу шуури ўз асридан шунчалар олдинлаб кетган, деб қатъий айтасиз.

МУНОСИБЛИК

Навоийхонларга «Лисон ут-тайр» достони Фариддиддин Атторнинг (1229 йили вафот этган) «Мантиқ ут-тайр»и таъсирида «таржума расми била» битилгани ва унга шоир «Фоний» тахаллусини қўйгани маълум. Асар воқеаси шундайки, гулистону бешаву баҳру биёбон, яъни чаманзору чакалакзору денгизу йўлу дашт қушлари йиғилиб, базм тузмоқчи бўладилар. Лекин Тўтидан — Олақарға, Булбулу Қумридан — Қарға, Шунқордан — Калхат, Товусдан — Юртачи (ўлаксахўр қуш) юқорироқ ўтиради, ҳунарли қушлар қолиб, беҳунарлар тепароқ чиқади, тождор қушлар бошида туки йўқ — тепакал қушлардан қўйига тушиб кетади. Бу ноҳақликдан норозилик чиқиб, жанжал кўтарилади.

Шунда бир доно, одил шоҳга эҳтиёж сезадилар, токи у ҳақни барҳақ, ҳар кимга ўз мавқеига яраша жой тайин қилгай. Худҳуд (Попишак) Симурғ деган шоҳдан дарак беради. У билан қушлар орасида бўлиб ўтган кўп савол-жавобу сўйланган дилгир ҳикоятлардан кейин бу жамоа Симурғни излаб қанот қоқишга тушиб кетади. Лекин яна ҳар ким ўз билигича учар, кучлироғи илгарилаб кетиб, ожизроғи ортда қолар, хуллас, улар пала-тартиш, бебошларча ҳаракат қилар эди. Жамоага мақсад сари бир тану бир жон бўлиб учишларида сардорлик қиладиган, бу йўлнинг пасту баландини яхши биладиган бир бошлиқ керак бўлиб қолади. Қушлар ҳеч иккиланмай, Симурғдан хабар бериб, уларни мақсад сари ундаган Худҳуддан раҳбар бўлишни илтимос қиладилар Аммо Худҳуд, гарчи бунга чиндан ўзининг энг муносиб қуш эканини билсада, кўнмайди. Майли, мен билганимча йўл кўрсатай, лекин бошлиқ бўл, десангизлар, қўрқаманки, орамизда фарқ пайдо бўлиб қолади, дейди. Қушлар ноилож қуръа ташлаш фикрига келадилар. Қарангки, яхши ният — ярим давлат, деганларидек қуръа ҳам Худҳудга тушади:

Қуръа солиб ҳар бирининг зотиға
Тушти ул дам қуръа Худҳуд отиға.

Шу тариқа Худҳуд қушларнинг пешвоси бўлади.

Қуръа ташлаш воқеаси «Мантиқ ут-тайр»да ҳам бор. Унда ҳам қуръа Худҳудга тушади:

Қуръа афканданду, бас, лоиқ фитод,
Қуръашон бир Худҳуди ошиқ фитод.

Бироқ Худҳуднинг раҳбарликдан бош тортиши — Фоний, яъни Навоийнинг ўзи қўшган талқин. «Фарҳод ва Ширин» достонидан биламизки, Фарҳод ҳам отаси — Чин хоқони таклиф қилган тождан бош тортади, мен ҳукмдор бўлишга лойиқ эмасман, дейди. Демак, муносиб одамгина халққа йўлбошчилик қилиши керак, деган ғоя, гарчи бу бош масалалардан бўлмасада ва Худҳуд тасаввуфдаги раҳнамо — пир рамзи бўлса-да, «Лисон ут-тайр»да ҳам илгари сурилган.

Кўрдингизми, шоҳнинг вориси, яъни авлодигина шоҳ бўлиши мумкин, деган ақидага баҳслашиб ўтирмай, қатъий амал қилинадиган бир замонда Навоий раҳбарнинг халқ иродаси билан танланиши ва унинг пешвою раҳнамоликка лойиқ бўлиши масаласини кўтарган. Бу эса ҳозирги кунимиз учун ҳам муҳим.

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари номзоди.

БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК

ГЎДАКЛАРДА НИМА АЙБ...

Енгиннинг ўта хавфлилигини биз ҳаммамиз яхши билатуриб, кўпинча бунга эътибор бермаймиз. Ҳушёр ва эҳтиёт бўлиш ўрнига бепарволик қиламиз. Жойлардан олинаётган маълумотларга қараганда шу йилнинг ўтган беш ойида жумҳуриятимиз ҳудудида ёнғин балосидан 110 та фуқаро ҳаётдан бевақт кўз юмди. Шулардан 37 нафари ёш гўдаклардир. Ёнғиндан 996 та киши оғир тан жароҳати олиб, касалхонага тушди. Шу кунгача халқ хўжалик корхоналарида ва яшаш жойларида содир бўлаётган ёнғин сони 9 мингга етай деб қолди. Бу офатдан келган зарар ҳажми олти миллиондан ортиқдир.

Содир бўлаётган ёнғинларнинг сабаблари хилма-хил. Шу йилнинг 18 май куни Шеробод шаҳридаги туғруқхонанинг патология бўлимида навбатчилик қилаётган ҳамшира электр токи йўқлиги туфайли столнинг устига кечаси шамни ёқиб қўйиб, уни қаровсиз қолдирган. Натижада ёнғин чиқиб, беш, олти ва етти кунлик гўдаклар нобуд бўлган. Шифокорлар эса ўт ўчириш қисмига қўнғироқ қилишга ҳаракат ҳам қилмаганлар.

Воқеадан огоҳ бўлгач, шундай савол туғилади: наҳотки туғруқхонадаги навбатчилик қилаётган катта ва кичик тиббий ходимлар бу ҳодисадан бехабар бўлсалар!

Куни кеча Тошкент шаҳридаги Юнусобод даҳасига жойлашган шаҳар болалар касалхонасида ҳам ана шундай ачинарли ҳодиса рўй берди. Жарроҳлик бўлимининг реанимация хонасида кўтарилган аланга у ерда даволанаётган бир яшарли гўдак умрига зомин бўлди.

Кўнгилсиз воқеаларнинг орасида бир оила ёки кўпчилик учун фожиа билан тугаган ҳодисалар ҳам талайгина. Қарши шаҳар Ленин проспектида содир бўлган ёнғин икки кишининг ҳаётига чанг солди ва уч кишини бутун умрга мажруҳ қилиб қўйди. Беруний ноҳиясидаги «Ленинизм» жамоа хўжалигининг олтинчи бригадасида икки киши жароҳатланди. Ғаллаорол ноҳиясидаги Ғ. Ғулом номли давлат хўжалигининг тўртинчи бўлимида уч гўдакнинг ҳаёти бевақт хазон бўлди. Бундай нохуш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хўш, ёнғин туфайли ҳалок бўлган ёки тан жароҳати олиб, бир умр мажруҳ бўлган бу норасида гўдакларнинг гуноҳи нимада!

А. ЕҚУБОВ,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи.

ОБ-ҲАВО...

● Ўзбекистон об-ҳавони ўрганиш марказидан олинган маълумотга қараганда ҳафта мобайнида ҳаво бироз ўзгариб туради. Жумладан, ҳафта бошида ҳавонинг қуруқ келиши, ҳароратнинг кечалари 18—20, кундузлари 34—39 даражага етиши кутилади. Кейин салқин тушиши мумкин. Ғарбий Сибирь ҳудудларидан эсган шабада туфайли ҳарорат 4—6 даражагача пасаяди. Ўртача ҳарорат меъёрдан камроқ бўлиши мумкин.

...САЛОМАТЛИК

● **Семашко номидаги тиббий даволаш, табиий тиклаш илмий-тадқиқот илмгоҳи мутахассисларининг шарҳи бўйича об-ҳаводаги бундай ўзгаришлар касалманд кишиларга андек нохушлик келтиради. Жумладан, қон босими бор, юраги увишиб турадиган, нафас олиш йўллари ҳаста кишилар ўзларини нохуш сезадилар. Бундай одамлар шифокор маслаҳати билан нафас олиш машқларини бажариши, совуқ сувга ювиниб туриши, тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи дори-дармонлардан фойдаланиб, очиқ ҳавода кўпроқ сайр этиши тавсия этилади.**

ФУТБОЛ

«Шаҳрихончи»дан умид катта

«Шаҳрихончи» футболчилари майдонга тушса, ўйинни кўришга ёшу қари ошиқади. Қаерда футбол жамоасига ишқибозлар қатори мутасаддилар ҳам эътибор қаратсалар, қувончли натижаларга эришилаверади. Узоққа бормайлик: «Шаҳрихончи» ўтган йили мавсумни яхши якунлади. Команда Ўрта Осиё зонаси бўйича СССР футбол биринчилигининг иккинчи лигасига йўлланма олди.

Футбол жамоалари шу кунгача 22 тадан ўйин ўтказишди. Шаҳрихончилар эса ўз майдонида бирон марта ҳам мағлубиятга учрашмади. «Шаҳрихончи» ҳозир юқори ўринлардан бирига даъвогар. Дарвозага тўп уриш бўйича эса пешқадам. Улар куни кеча Ангреннинг «Кончи» футболчилари билан учрашиб, рақиб дарвозасига 6 та тўп киритишди.

Ўткир Садриддинов, Собир Рўзиматов, Равшан Мамадалиев, Ёзгелди Кутданов, Владимир Затеевлар кончилар дарвозасини аниқ мўлжалга олдилар. Кончилар иккита жавоб тўпи киритишди. «Шаҳрихончи» 6:2 ҳисобида ғолиб келиб, яна икки очколи бўлди.

Чарм тўп ишқибозлари Равил Бағаутдиновни яхши билишади. У СССР спорт устаси. Ҳозир у «Шаҳрихончи» командасининг устози. Унинг таъбирича, жамоада яратилган шарт-шароит ўйинда самарадорлик омили бўлади. «Шаҳрихончи»ни шаҳар нефть маҳсулотлари базаси ҳомийликка олган. Командани ойлик маош, мукофот пуллари билан таъминлаш, уларга озиқ-овқат етказиб бериш, транспорт масалаларини ҳал қилиш шу база ишчи-хизматчиларининг зиммасида. Яқинда футболчиларнинг иккитасига уй ажратилди. Команда аъзоларининг 70 фоизи маҳаллий йигитларни ташкил қилиши ҳам диққатга сазовор.

Ўйин тугагач, ёнимизда ўтирган ишқибозлардан бирини ҳамма табриклаб, қўл олишиб кетишди. У киши Маҳаммаджон Қурбонов, шаҳар Совети раиси:

— Футболчиларимизни шаҳримиздаги бironта ўйинини қолдирмасдан томоша қиламан, — дейди раис. — Стадионда ўйинчиларни қўллаб-қувватласак, мадад берсак, ютуқлар қўлга киритилаверади. Футболчилар жамоасини оталиққа олган нефть маҳсулотлари базасининг раҳбари уйида тўй бўлаётганига қарамай томошага келибди-я... Ашаддий ишқибозларимиз жуда кўп.

Ишқибозлар «Шаҳрихончи»га катта умид боғлашмоқда. Ишончни оқлаш эса спортчиларнинг маҳоратига боғлиқ. Мавсум хайрли кечса, ажабмас.

Д. ҚИРҒИЗБОЕВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ ДОРИЛФУНУНИ

1991—1992 ўқув йилида

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ЎҚИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАРГА

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Дорилфунунда қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрланади: иқтисодий ва ижтимоий режалаштириш; меҳнат иқтисодиёти ва социологияси; ижтимоий-маданий соҳа иқтисодиёти ва уни бошқариш; ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва уни бошқариш; бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолияти назорати ва уни таҳлил қилиш; моддий ресурсларни бошқариш ва ишлаб чиқариш воситалари улгуржи савдосини ташкил қилиш; умумий овқатланиш иқтисодиёти ва уни бошқариш; статистика; иқтисодий кибернетика; иқтисодий ахборот ва автоматлаштирилган бошқарув системалари; халқаро иқтисодий муносабатлар.

Дорилфунуннинг Андижон филиалида кундузги ва сиртқи ўқишга абитуриентлар Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Фарғона, Наманган, Ўш ва Хўжанд вилоятларидан қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул қилинади: иқтисодий ва ижтимоий режалаштириш: меҳнат иқтисодиёти ва социологияси; бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолияти назорати ва уни таҳлил қилиш; савдо иқтисодиёти ва уни бошқариш.

Кириш имтиҳонлари ва ўқитиш барча мутахассисликлар бўйича ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

1991 йил Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунунига кирувчилар қуйидаги кириш имтиҳонларини топширадилар:

— Халқаро иқтисодий алоқалар» мутахассислигига — математика (ёзма), география (оғзаки), чет тили (оғзаки), ўзбек (рус) тили ва адабиёти (ёзма);

— «Иқтисодий кибернетика», «Иқтисодий ахборот ва автоматлаштирилган бошқарув системалари» мутахассисликларига — математика (ёзма ва оғзаки), ўзбек (рус) тили ва адабиёти (ёзма);

— қолган барча мутахассисликларга — математика (ёзма), география (оғзаки), ўзбек (рус) тили ва адабиёти (ёзма).

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медалга ва ўрта махсус ёки дорилфунун йўналишига тўғри келадиган ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугатган абитурентлар кириш имтиҳони сифатида қуйидаги фандан имтиҳон топширадилар:

— «Иқтисодий кибернетика», «Иқтисодий ахборот ва автоматлаштирилган бошқарув системалари» мутахассислигига — математика (ёзма);

— «Халқаро иқтисодий алоқалар» мутахассислигига — чет тили (оғзаки);

— қолган барча мутахассисликларга — география (оғзаки). Улар «беш» баҳо олган тақдирда қолган имтиҳонлардан озод қилинадилар, «тўрт» ёки «уч» баҳолар олган тақдирда қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар.

Барча кириш имтиҳонлари конкурсли ҳисобланади.

Корхона ва ташкилотлар билан дорилфунун ўртасида мутахассисларни тайёрлаш харажатларини тўлаш тўғрисида тузилган шартнома асосида (СССР Вазирлар Кенгашининг №1311 19. 12. 1990 йил қарори) ўрта махсус ўқув юртини тугатган ва танлаган ихтисослиги бўйича бир йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган ва сиртқи ўқишга кирувчи шахслар кириш имтиҳонлари ўрнига ўз мутахассислиги, математика ва география бўйича суҳбатдан ўтадилар.

Ўқишга кирувчилар қабул қоидаларига асосан қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: дорилфунунга қабул қилиш тўғрисида ариза, ўрта ва махсус маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси); 3х4 см катталикдаги 6 дона фотосурат, соғлиғи тўғрисида тиббий маълумотнома (086/У формада), иш жойидан маълумотнома ёки меҳнат дафтарчасидан кўчирма (сиртқи куллиётта кирувчилар учун).

Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар шахсан кўрсатилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ ДОРИЛФУНУНИГА ҲУЖЖАТЛАР ВА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ ТОПШИРИШ ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ;

Ўқиш шакли	Аризалар қабул қилиш	Кириш имтиҳонлари
Кундузги ўқиш (шу жумладан) Андижон филиалига)	15 июлгача	16 июлдан
Сиртқи ўқиш Андижон филиалига (сиртқи бўлим)	20 июлгача 31 июлгача	20 июлдан 6 августдан

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 700063, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183, Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунуни, 2-бино, қабул комиссияси.

710019, Андижон шаҳри, Бобур шоҳкўчаси, 56, Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунунининг Андижон филиали, қабул комиссияси.

М. АШРАФИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

1991—1992 ўқув йили учун

Телевидение ва радио овоз режиссери ихтисоси бўйича (ўзбек гуруҳига)

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 5 йил.

Ўқишга кириш қоидалари, талаблари ва имтиҳонлари тўғрисида маълумот олиш учун консерваторияга, Ўзбекистон ССР Давлат телерадиоқўмитасининг Ходимлар бўлимига ва вилоятлардаги телерадиоқўмиталарига мурожаат қилиш керак.

Консерватория манзилгоҳи: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31-уй. Қабул комиссияси.

ТЕЛЕФОНЛАР: **Консерватория** 33-52-74, 33-82-06.

Ўзбекистон ССР телерадиоқўмитасининг Ходимлар бўлими: 44-14-39, 44-02-37.

«ЧОТҚОЛ» САЁҲАТ ФИРМАСИ

ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАРНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ:

ВЛАДИМИР ШАҲРИГА, «Улибишево» саёҳат базаси, 13 кунга, 30 июлдан 12 августгача, 13 августдан 26 августгача. Баҳоси — 693 сўм.

ЛЕНИНГРАД ШАҲРИГА, «Ягодное» саёҳат базаси, 13 кунга, 31 июлдан 12 августгача, 10 августдан 22 августгача, 17 августдан 29 августгача, 2 сентябрдан 14 сентябргача. Баҳоси — 798 сўм.

«СОВЕТСКАЯ РОССИЯ» ТЕПЛОХОДИДА «ОДЕССА-КИЕВ-ОДЕССА» йўналиши бўйлаб 11 кунга, 28 августдан 7 сентябргача. Баҳоси — 1487 сўм.

ИРКУТСККА, 5 кунга. Шаҳар меҳмонхонасида яшаб, теплоходда Ангара дарёси ва Байкал кўли бўйлаб саёҳатга чиқилади, 8 августдан 12 августгача. Баҳоси — 470 сўм.

СИМФЕРОПОЛЬ-АЛУШТА-СЕВАСТОПОЛЬ йўналиши бўйича, 15 кунга, 26 августдан 9 сентябргача, 30 сентябрдан 13 октябргача. Баҳоси — 898 сўм.

СИМФЕРОПОЛЬ-АЛУШТА-СЕВАСТОПОЛЬ йўналиши бўйича, 20 кунга, 21 сентябрдан 9 октябргача, 6 ноябрдан 25 ноябргача. Баҳоси — 903 сўм.

НОВИЙ РАЗДОЛГА, «КАШТАН» пансионати, 20 кунга.

Таянч-ҳаракатланиш аппарати, асаб ва юрак-томир системаси, нафас олиш органлари, ошқозон-ичак касалликлари (Трускавец ва Моршан сувлари) **даволанишади, 8 сентябрдан 27 сентябргача, 28 сентябрдан 17 октябргача, 18 октябрдан 6 ноябргача, 7 ноябрдан 26 ноябргача, 27 ноябрдан 16 декабргача. Баҳоси — 1061 сўм.**

СЕВАСТОПОЛГА, «Қрим» меҳмонхонаси, 15 кунга, 4 сентябрдан 18 сентябргача, 19 сентябрдан 3 октябргача, 4 октябрдан 18 октябргача, 19 октябрдан 2 ноябргача, 3 ноябрдан 17 ноябргача. Баҳоси — 994 сўм.

ИССИҚКЎЛГА, хусусий сектор — Чўлпонота, 10 кунга, 4 июлдан 13 июлгача, 14 июлдан 23 июлгача, 24 июлдан 2 августгача, 3 августдан 12 августгача, 23 августдан 1 сентябргача.

Баҳоси — 340 сўм.

ЛЕНИНГРАДГА, «ОЛЬГИНО» мотели, 10 кунга, 20 августдан 29 августгача, 3 сентябрдан 12 сентябргача. Баҳоси — 1076 сўм.

АДЛЕРГА, курорт-шаҳарчаси, 15 кунга, 16 сентябрдан 30 сентябргача, 30 сентябрдан 14 октябргача, 14 октябрдан 28 октябргача. Баҳоси — 1194 сўм.

ТАЛЛИННН-ХЕЛЬСИНКИГА, 5 кунга, 19 августдан 23 августгача, 2 сентябрдан, 6 сентябргача, 9 сентябрдан 13 сентябргача, 16 сентябрдан 20 сентябргача. Баҳоси — 2213 сўм.

ТАЛЛИННН-НАРВА-ЛЕНИНГРАД-СТОКГОЛЬМГА, 6 кунга, 16 сентябрдан 21 сентябргача. Баҳоси — 3619 сўм.

ЛЕНИНГРАД-ЛЮБЕК-КОПЕНГАГЕН-СТОКГОЛЬМГА, 11 кунга, «Эстония» теплоходида сайр-саёҳат, 13 сентябрдан 23 сентябргача. Баҳоси — 12002 сўм.

ЛЕНИНГРАД-ЛЮБЕК-ГАМБУРГ-СТОКГОЛЬМГА, 9 кунга, «Эстония» теплоходида сайрга чиқилади, 25 сентябрдан 3 октябргача. Баҳаси — 9128 сўм.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Луначарский узун кўчаси, 42-уй. Телефонлар: 68-93-42, 68-93-43.



«ЧОТҚОЛ» САЁҲАТ ФИРМАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

М. УЙҒУР НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича

БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доцентлар: снёсий тарих ва снёсий иқтисод;

катта ўқитувчи: фалсафа.

Танлов муддати — 14 июлгача.

Манзилимиз: 700031, Тошкент шаҳри, Г. Лопатин кўчаси, 77-уй.

Рўзноманинг 123-сонида Тошкент кимё-технология олий билимгоҳи бўйича эълон қилинган 2505, 2512, 2513, 2704, 2706, 2707, 2708, 2710 ихтисосликлар ўта ноёб деб ҳисобланмасин.

Қабул комиссияси.

Ўзбекистон Маданият жамғармаси жамоаси СССР халқ артисти, Давлат мукофотлари лауреати

ТАМАРАХОНИМ
(Тамара Петросянц)нинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ҳамда қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телекўрсатув ва радиоэшиттириш давлат қўмитасининг жамоаси жумҳурият радиоси Саноат, транспорт, қурилиш ва хизмат соҳалари бош муҳарририятининг бўлим мудири М. Муродовга отаси

Мурод
ҚУЧҚОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

*

ЯНГИ ВОКЗАЛ БИНОСИ

Фарғона вилояти Бағдод райони марказининг жамоли йилдан-йилга кўркамлашиб, очилиб бормоқда. Яқинда бу ерда Риштон, Сўх, Бувайда ва Бағдод районлари аҳолисига намунали хизмат кўрсатиш мақсадида барча қулайликларга эга бўлган темир йўл вокзали қурилиб, фойдаланишга топширилди.

СУРАТДА: вокзал янги биносининг умумий кўриниши.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ суратга олган.

*

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-87-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими— 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-27; безатиш—32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5691.
Босишга топшириш вақти 21.00.
Босишга топширилди — 00.20.

№ 125. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12